



КЕЛАЖАКНИ ИХТИРО ҚИЛИБ

“Кичик ва ўрта корхоналар учун патентлар”
мавзусига кириш

Мазкур Брошюра www.wipo.int/sme/en/documents/guides/ сайтида мавжуд бўлган инглиз тилидаги асл версиясига муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ)нинг расмий рухсатига мувофиқ миллий қонунчиликка мослаштирилди ва такрор ишланди. Шу сабабли, БИМТ ушбу нашрнинг мослаштирилган версиясининг аниқлиги ва тўғрилиги учун масъулиятни ўз зиммасига олмайди, бу масъулият мутлақо Ўзбекистон Республикаси Далат патент идораси зиммасидадир.

Эслатма: Мазкур қўлланмада келтирилган маълумотлар профессионал ҳуқуқий маслаҳат ўрнини босишни мақсад қилиб қўймайди. Унинг асосий мақсади умумий ахборотни бериш билан чекланади.

© Ўзбекистон Республикаси Далат патент идораси, 2011.

© Инглиз тилидаги асл версиясига (2005 й.) муаллифлик ҳуқуқи БИМТга тегишли.

Мазкур нашрнинг ҳеч бир қисми агар қонунда бошқача рухсат этилмаган бўлса, бирон-бир шаклда электрон ёки механик воситалар орқали муаллифлик ҳуқуқи эгасининг ёзма равишдаги розилигисиз, қайта такрорланиши ёки ўзга шахсларга берилиши мумкин эмас.

СЎЗ БОШИ

Ушбу қўлланма “Интеллектуал мулк бизнес учун” сериясида чоп этилаётган учинчи қўлланмадир. У компанияларнинг янги ва инновацион ғоялар ва технологияларидан максимал фойда олиш имкониятларини оширишнинг бош воситаси бўлган патентларга бағишланган. Билим ресурсларини, айниқса янги ғоялар ва концепцияларни бошқариш тезкор ўзгараётган бизнес-муҳитдаги рақобатчилик шароитида ҳар бир компаниянинг имкониятларини ўзгартириш, мослаштириш ва янги имкониятлардан фойдаланиш лаёқати учун муҳим аҳамиятга эга.

Билимларга асосланган замонавий иқтисодиётда инновацион компаниянинг патент стратегияси унинг ишбилармонлик стратегиясининг асосий компоненти ҳисобланади. Ушбу қўлланма барча типдаги корхоналар учун патент тизимининг тижорат жиҳатидан фойдасини содда ва қулай шаклда тушунтириб беради. Патент олишни, ундан фойдаланишни ёки патент бўйича ҳуқуқни ҳимоя қилишни истаган ўқувчиларга маслаҳат олиш учун патент ишлари бўйича мутахассисга мурожаат этиш тавсия қилинади. Қўлланмада ўқувчилар мутахассисларга мурожаат этганларида ўз саволларини тўғри фойдалашда ёрдам бериш учун амалий характерга эга бўлган маълумотлар келтирилган.

Кичик ва ўрта корхоналар (КЎК) ўзларининг комплекс бизнес-стратегияларига, маркетинг ва экспорт стратегияларига технология ва патент муҳофазаси соҳасидаги стратегияларини киритиш йўли билан ушбу қўлланмадан фойдаланишлари мумкин.

БИМТ жаҳоннинг барча мамлакатларидаги КЎК эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш учун қўлланма мазмунини такомиллаштиришда ўқувчиларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларига умид қилади.

Ушбу қўлланманинг турли мамлакатлар қонунчилигига мослаштирилган вариантлари миллий муассасалар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда яратилиш мумкин. Бундай мослаштиришлар бўйича тавсиялар олиш учун БИМТга мурожаат этиш лозим.

Бутунжаҳон интеллектуал
мулк ташкилоти

Ўқувчилар диққатига

Инсоннинг энг муҳим фаолият турларидан бири интеллектуал фаолиятдир. Бундай фаолият тури давлатнинг илмий-техникавий салоҳиятига оид бўлиб амалга ошириладиган иқтисодий ўзгаришлар ва иқтисодий ўсиш суръатлари ва натижаларини белгилайди. Давлатнинг вазифаси илмий-техникавий салоҳиятини ўстириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, уни техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга кенг инвестицияларни жалб қилиш учун шароитларни таъминлаш ва шунинг натижасида рақобатбардош маҳсулотни яратишдан иборатдир. Шундай қилиб, давлатнинг вазифаси интеллектуал фаолият натижаларини ҳўжалик оборотиға кенг жалб қилиш учун энг мақбул шароитларини яратишдир.

Интеллектуал фаолиятнинг энг муҳим соҳаларида бири ихтирочилик фаолияти бўлганлиги сабабли давлатнинг иқтисодий жиҳатдан ўсишини таъминлашда ихтирочилик соҳасини ҳуқуқий тартибға солиш, ихтирочиларнинг интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларни мустаҳкамлаш, ихтиролардан фойдаланиш ёки уларни сотиш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Бозор иқтисоди шароитида патент эгасига тижорат жиҳатидан истиқболли янги техник ечимға мутлақ ҳуқуқ тақдим этадиган ихтироға патент ўз эгасига рақобат курашида муҳим афзалликлар беради. Ихтиродан монопол фойдаланишдан келадиган фойда қанчалик катта бўлса, рақобатчининг патент эгасини бундай қонуний монополиядан маҳрум қилиш истаги шунчалик кучли бўлади. Патент эгасининг муҳофазаланган саноат мулки объектларига бўлган монополияси ихтироларни бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ривожланаётган ва иқтисодий оборотнинг янги иштирокчиси бўлган тадбиркор янада кўпроқ аҳамиятға эға бўлган иқтисодий муносабатларнинг янги тизимиға киритиш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитларни яратади.

Иқтисодий муносабатларнинг глобаллашуви шароитида патент муҳофазасини бир неча мамлакатларда таъминлаш истиқболли ишланмаларни коммерциализациялаш жараёнида оддий ҳол бўлиб қолди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасининг янги техника яратувчилари кўпроқ етакчи хорижий давлатларнинг патентларига эға бўлмоқдалар. Бу эса шу мамлакатларнинг бозорларига чиқиш учун муҳим жиҳат бўлиб ҳисобланади. Кейинчалик “Патент экспанисияси” юзаға келган вақтда Ўзбекистон Республикасининг жисмоний ва ҳуқуқий шахсларига тааллуқли бўлган хорижий патентлар ватанимизнинг юқори технологиялар секториға қўшимча маблағларни жалб қилиш ҳисобиға иқтисодий ўсиш манбаи сифатида хизмат қилиши мумкин.

Ушбу қўлланмада кўриб чиқилган назарий масалалар асосан саноат мулки объектлари билан, хусусан ихтиролар, уларнинг белгилари, таркиби, ҳуқуқий муҳофазаси ва ҳимояси, Ўзбекистон Республикаси патент қонунчилигининг ва интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро келишувларнинг ўзига хос томонлари билан боғлиқ.

Ушбу қўлланма ўз ихтироларини яратаётган ва аввало уларнинг ишончли ҳуқуқий муҳофазасини олишға, кейинчалик ҳимоясини таъминлашға ва бу ихтиролардан нафақат Ўзбекистон Республикаси, балки хорижий мамлакатларнинг фуқаролик оборотида ҳам иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган ҳолда фойдаланишға интилган тадбиркорлар учун биринчи қўлланма бўлади деб умид қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат патент идораси

Мундарижа

1. ИХТИРОЛАРГА ПАТЕНТЛАР	4
2. ПАТЕНТНИ ҚАНДАЙ ОЛИШ МУМКИН.....	18
3. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ПАТЕНТЛАШ.....	30
4. ПАТЕНТЛАНГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ КОММЕРЦИАЛИЗАЦИЯЛАШ	34
5. ПАТЕНТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ	39

1. ИХТИРОЛАРГА ПАТЕНТЛАР

Ихтирога патент нима?

Ихтирога патент **янги, ихтиролик даражасига** эга ва **саноатда қўллаш мумкин бўлган** ихтиронинг устуворлигини, унга муаллифликни ва патент эгасининг ихтирога эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасурруф этишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди¹.

Агар саноат мулки объектдан ўз хо- хишича фойдаланиш бошқа патент эгаларининг ҳуқуқларини, шу жумладан бошқа шахсларнинг мазкур объектдан фойдаланишини тақиқлаб қўйиш ҳуқуқини бузмаса бундай фойдаланиш патент эгасига тегишлидир, шу зайдда фойдаланиш патент эгасининг ҳуқуқини бузиш деб ҳисобланмайдиган ҳоллар бундан мустасно². Компаниялар учун патент янги маҳсулот ёки усулга мутлақ ҳуқуқ олиш, бозорда мустаҳкам мавқени эгаллаш ва лицензия фаолияти натижасида қўшимча даромад олиш мақсадида **бизнесни юритиш учун кучли қуролдир**. Кинокамера, мобил телефон ёки автомобил каби мураккаб маҳсулотлар турли патент эгаларига тегишли бўлган бир неча патентлар билан муҳофазаланган қатор ихтироларни ўз ичига олиши мумкин.

Патент ҳар бир мамлакатнинг ваколатли давлат органи ёки бир неча мамлакатларнинг **регионал патент идораси** томонидан берилади. Патент чекланган муддат давомида, одатда патентни кучда сақлаб туриш учун белгиланган патент божлари ўз вақтида тўлаб турилган ҳолда патентга талабнома топширилган санадан эътиборан **20 йил** амал қилади. Патент маълум бир мамлакат ёки регионнинг географик чегаралари билан чекланган **ҳудудий ҳуқуқдан** иборатдир. Ўзбекистон Республикасида ихтирога патент талабнома топширилган санадан эътиборан 20 йил амал қилади³.

Талабнома берувчи ихтирога берилган патентга мутлақ ҳуқуқ тақдим этилиши “эвазига” жамият учун **ихтиронинг моҳиятини очиб беришга**⁴ мажбур, яъни талабнома материалларида ихтиронинг батафсил, аниқ ва тўлиқ тавсифини тақдим этиши лозим.

Берилган патент ҳақидаги маълумотлар⁵, кўп мамлакатларда эса патентга талабнома маълумотлари ҳам⁶, расмий нашрларда чоп этилади.

1. Ўзбекистон Республикаси «ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги қонунининг 5 ва 6 - моддалари

2. Ушбу Қонуннинг 11 - моддаси

3. Ушбу Қонуннинг 5 - моддаси

4. Ушбу Қонуннинг 15 - моддаси

5. Ушбу Қонуннинг 25 - моддаси

6. Ушбу Қонуннинг 21¹ - моддаси

Ихтиро нима?

Патент лексикасидан фойдаланган ҳолда, одатда, **ихтирога техник муаммонинг янги ва инновацион ечими** дея таъриф берилади. Ихтиро янги маҳсулот ёки усулни яратишга оид бўлиши ёки маълум бўлган маҳсулот ёки усулни янада такомиллаштиришдан иборат бўлиши мумкин.

Табиатда мавжуд бўлган нарсани шунчаки кашф қилиш одатда ихтиро деб ҳисобланмайди, чунки ихтиро яратилиши учун инсоннинг идроки ва топқирлиги, ижодий қобилияти ва ихтирочилиги бағишланган бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги қонунининг 6 моддасига мувофиқ ҳар қандай соҳада маҳсулотга

(хусусан, қурилма, модда, микроорганизм штамми, ўсимликлар ёки ҳайвонлар ҳужайраларининг турларига) ёки усулга (моддий воситалар ёрдамида моддий объект устида хатти-ҳаракатларни амалга ошириш жараёнига) тааллуқли бўлган техник ечим ихтиро сифатида эътироф этилади.

Замонавий ихтироларнинг кўп қисми йирик ишларнинг ва илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига (ИТТКИ) киритилган узоқ муддатли инвестицияларнинг натижаси бўлган ҳолда ҳам, бошқа кўпчилик ихтиролар оддий ва арзон бўлиб, лекин катта фойда келтирадиган техник такомиллаштиришлардан иборат бўлса ҳам ихтирочиларга ёки компанияларга катта даромад ва фойда олиб келади.

Инновацияларнинг юритувчи кучи

“Ихтиро” ва “инновация” орасидаги фарқни тушуниш муҳим аҳамиятга эга. **Ихтиро** маълум бир техника соҳасидаги муаммонинг техник ечимига оид бўлади. У инновацион ғоя бўлиши мумкин, ва шунингдек ишлайдиган модель ёки тажрибавий намунадан иборат бўлиши мумкин. Инновация эса ихтирони сотиш учун ярайдиган маҳсулот ёки усул даражасига етказишдир. Компанияларнинг инновацион фаолият билан шуғулланишларининг асосий сабаблари қуйидагилардир:

- сарф-харажатларни камайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш;
- Харидорларнинг талабини қаноатлантирадиган янги маҳсулотни чиқариш;
- Рақобатчилардан ўзиб кетиш ва/ёки ўзининг бозордаги сегментини кенгайтириш;

- Яратилаётган технологияларнинг мавжуд бўлган ва корхона ҳамда буюртмачиларнинг иқтисодий фаолиятида юзага келадиган талабларга мувофиқлаштиришни таъминлаш;

- Технологик жиҳатдан бошқа компанияларга қарамлигини олдини олиш.

Ўзининг инновацион ва ижодий потенциалидан фойдаланиб максимал фойда олиш, бошқа патент эгалари билан фойдали шериклик муносабатларини ўрнатиш ва ўзга шахсларга тегишли бўлган технологиялардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларидан эҳтиёт бўлиш учун замонавий иқтисодиётда компаниянинг инновацион фаолиятини бошқариш патент тизимини яхши билишни талаб қилади.

Ўтган йиллардан фарқли ўлароқ, кўп замонавий инновациялар турли патент эгаларига тегишли бўлган қатор патентланган ихтироларга асосланган мураккаб объектлардан иборат бўлиши мумкин.

Нега ихтирони патентлаш ҳақида ўйлаб кўриш керак?

Маҳсулотнинг қисқа ҳаётий цикли ва рақобатчиликнинг кучайиб бориши компанияларга жуда катта таъсир ўтказмоқда, уларни тараққиётнинг инновацион йўлига ўтишга ҳамда ички ва ташқи бозорда рақобатбардошликни сақлаб қолиш учун бошқа корхоналарнинг инновацияларидан фойдаланишга интилишга мажбур қилмоқда. Патент томонидан тақдим этиладиган мутлақ ҳуқуқлар инновацион компанияларнинг катта куч талаб қиладиган, хавфли ва доимо ривожланишда бўлган бизнес-муҳитда гуллаб-яшнаши учун халқилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Ихтироларни патентлашнинг асосий сабаблари:

- **Бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаш ва рақобатдаги афзалликлар.** Патент ўз эгасига бошқа шахсларга патентланган ихтиродан тижорат мақсадларида фойдаланишда тўсқинлик қилишга ёки бундай фойдаланишни тўхтатишга мутлақ ҳуқуқ беради, бу патентланган маҳсулотдан ноқонуний фойдаланиш ёки унга ўхшатиб маҳсулот тайёрлаш билан шуғулланаётган шахслар томонидан ишончсизлик, хавф ва рақобатни камайтиради. Агар сизнинг компаниянгиз юқори қийматга эга бўлган патентланган ихтирога мутлақ ҳуқуқ олган бўлса, бу билан у худди шундай техник ечим (патентланмаган ихтиро) билан бозорга чиқишни режалаштираётган рақобатчиларига тўсқинлик ҳосил қилиши мумкин. Бу ҳолат сизга бозорнинг маълум бир сегментида устун вазиятни эгаллашга ёрдам беради.

- **Инвестициялардан янада юқорироқ фойда ёки даромад олиш.** Агар сизнинг компаниянгиз ИТТКИ ўтказиш учун кўп вақт ва маблағ сарфлаган бўлса, яратилган ихтироларнинг патент муҳофазаси бундай харажатларни

қоплаш ва киритилган инвестициялардан янада юқорироқ даромад олишга ёрдам беради.

- **Лицензия фаолиятдан ёки патентни бошқа шахс ихтиёрига ўтказишдан келадиган қўшимча киримлар.** Патент эгаси сифатида сиз бир марталик тўлов ва/ёки лицензия ажратмалари (роялти) эвазига ўзга шахсларга ихтирога лицензия беришингиз мумкин, бу компания учун қўшимча кирим манбаи бўлади. Патентни бошқа шахс ихтиёрига ўтказиш ихтиро патентига бўлган мутлақ ҳуқуқнинг ўтказилишини билдиради, лицензиялаш эса ихтиродан фақат лицензия келишувида белгиланган шартларда фойдаланиш учун рухсат берилишини билдиради⁷.

- **Чапараста лицензиялаш йўли билан технологиялардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш.** Агар сизнинг компаниянгиз ўзга шахсларга тегишли бўлган технологияни олишга манфаатдор бўлса, сиз ўз компаниянгизга тегишли патентлардан **чапараста лицензиялаш келишувини** тузиш бўйича музокаралар олиб бориш учун фойдаланишингиз мумкин. Бундай келишув доирасида иккала томон ҳам ушбу келишувда белгиланган шартларда бир ёки бир неча патентлардан фойдаланиш учун ўзаро ҳуқуққа эга бўлади.

- **Янги бозорларга кириш.** Патентларни (бир қатор хорижий мамлакатларда кўриб чиқишда бўлган патентга талабномаларни ҳам⁸) бошқа компанияларга лицензиялаш сизга бошқа йўл билан эгаллаб бўлмайдиган янги бозорларга кириш имкониятларини очади. Бунинг учун ихтиро хорижий мамлакатларда патент муҳофазасига эга бўлиши керак.

⁷ Ўзбекистон Республикаси «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддаси


⁸ Ўзбекистон Республикасида бундай қилиш мумкин эмас.

- **Ҳуқуқларни бузиш хавфи камаяди.** Патент муҳофазасини олиш йўли билан бошқа шахсларга худди шундай ихтирони патентлашга тўсқинлик қилиш, ва шунингдек сизнинг маҳсулотингиздан тижорат мақсадларида фойдаланишда ўзга шахслар ҳуқуқларининг бузилиши эҳтимоллигини камайтириш мумкин. Патент “фойдаланиш эркинлигини” бермайди, у бошқа шахсларга худди шундай ёки жуда ўхшаш ихтироларни патентлашга тўсқинлик қилади ва патентланган ихтиро янги ҳамда “аввалдан маълум техника даражасидан” фарқланишини тасдиқлайди (техника даражаси ҳақида батафсилроқ маълумот олиш учун 15-бетга қаранг).

- **Мақбул процент ставкалари бўйича субсидиялар ва инвестицияларни жалб қилишда имкониятларнинг ошиши.** Патентларга бўлган мулк ҳуқуқи (ёки бошқа шахсларга тегишли патентлардан фойдаланиш учун лицензия олиш) маҳсулотни бозорга чиқариш учун маблағларни жалб қилишда имкониятларнинг ўсишига ёрдам беради. Баъзи соҳаларда (масалан, биотехнологияда) венчур инвесторларни жалб қилиш учун кўпинча қатор патентларни олиш зарурияти туғилади.

- **Ҳуқуқ бузувчиларга нисбатан чора кўриш учун кучли восита.** Патент билан тақдим этиладиган мутлақ ҳуқуқни самарали ҳимоя қилиш мақсадида баъзи ҳолларда сизга тегишли бўлган патент ҳуқуқларини бузаётган шахсларга ўзингизда мавжуд бўлган патентлар ҳақида маълумотларни етказиш ёки ишни судда кўриш зарурияти юзага келиши мумкин. Патентларнинг мавжудлиги патентланган ихтирога ҳуқуқларни қандайдир йўллар билан бузаётган шахсларга нисбатан очилган суд ишларини муваффақиятли кўриб чиқишида сизнинг имкониятларингизни янада оширади.

- **Компаниянинг ижобий имиджи.** Бизнес бўйича ҳамкорлар, инвесторлар, акционерлар ва мижозлар сизга тегишли кўп сонли патентларнинг мавжудлигини компаниянинг билим, мутахассислик ва техник имкониятлари юқори даражада эканлигининг далили сифатида қабул қиладилар. Бу молиявий маблағларни жалб қилиш, ҳамкорларни излаш, компаниянинг имиджи ва бозор қийматини ошириш учун фойдали бўлиши мумкин. Баъзи компаниялар ўз компанияси имиджини инновация компанияси сифатида яратиш ва кенг оммага етказиш учун рекламада патентларини эслатиб ёки кўрсатиб ўтадилар.



"O'ZLITINEFTGAZ" Очiq акциядорлик жамияти томонидан нефт ва газ қазиб чиқарувчи скважиналарда ютиш зоналарини изоляциялаш самарадорлигини оширишга имкон берувчи ютувчи пластларни изоляциялаш усули (патент № UZ IAP 03937) жорий қилинган.

Маҳсулотни муҳофаза қилиш учун қандай ҳуқуқий имкониятлар мавжуд?

Мазкур қўлланма диққатни **ихтироларга** жалб қилади. Бироқ маҳсулотнинг кўринишига қараб инновацион маҳсулотга нисбатан муҳофазаланадиган қуйидаги бошқа интеллектуал мулк объектларидан ҳам фойдаланиш мумкин:

Фойдали моделлар (шунингдек, “қисқа муддатли патентлар”, “кичик патентлар” ёки “инновацион патентлар” кўринишида маълум бўлган). Кўп мамлакатларда аввалдан мавжуд бўлган маҳсулотдаги кичик такомиллаштиришларнинг баъзи кўринишлари фойдали модел сифатида муҳофаза қилинади (12 бетдаги қўшимчага қаранг). Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонунининг 7 моддасига мувофиқ қурилмаларнинг конструктив йўл билан бажарилиши фойдали моделларга тааллуқлидир.

Агар фойдали модель янги бўлса ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

• **Тижорат сири.** Бизнесни олиб бориш билан боғлиқ конфиденциал ахборот тижорат сири сифатида муҳофазаланиши мумкин, агар:

у мазкур ахборот турига алоқаси бўлган бошқа шахслар учун маълум бўлмаса;

у махфий бўлганлиги сабабли тижорат қийматига эга;

унинг эгаси махфий сақлаш учун зарур чораларни кўради (ЎзР Фуқаролик Кодексининг 98 моддаси) (масалан, бундай ахборотга эга бўлиш имкониятини “зарур ҳолда эга бўлиш” асосида чеклаш ва ихтиро моҳиятининг конфиденциаллиги ёки уни очмаслик ҳақида битим тузиш йўли билан). (12 бетдаги қўшимчага қаранг).

Саноат намуналари. Буюмнинг ташқи кўриниши билан боғлиқ бадий-конструкторлик ечимларига мутлақ ҳуқуқ саноат намуналарини муҳофазалаш йўли билан олиниши мумкин. Ўзбекистон Республикаси «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги қонунининг 8 - моддасига мувофиқ буюмнинг ташқи кўринишини ифодалайдиган бадий-конструкторлик ечими саноат намуналари жумласига киради.

Товар белгилари. Товар белгиси ўз эгасига бир компаниянинг товарларини бошқа компанияларнинг айнан ўхшаш ва шу турдаги товарларидан фарқлаш хусусиятига эга бўлган белгиларга мутлақ ҳуқуқ тақдим этади. Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунининг 3 - моддасига мувофиқ бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилар товар белгиси сифатида муҳофаза қилинади.

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар. Оригинал адабий ва бадий асарларга муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар доирасида муҳофаза тақдим этилиши мумкин. Муаллифлик ҳуқуқи муҳофазаси асарларнинг кенг доирасига, шу жумладан ЭҲМ учун дастурларга ҳам қўлланади (13 бетдаги қўшимчага қаранг). Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ асарнинг вазифаси ва қиймати, шунингдек

ифодалаш усулидан қатъий назар ижодий фаолият натижасидан иборат бўлган фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифлик ҳуқуқлари объекти бўлиб ҳисобланади.

Ўсимликларнинг янги навлари. Кўпгина мамлакатларда янгилик, фарқланиш, турдошлик ва барқарорлик талабларига жавоб берадиган ва мақбул номга эга бўлган янги ўсимлик навини яратган селекционер ўз навига патент олиш орқали муҳофаза олиши мумкин. Ўсимликларнинг янги навлари ҳуқуқий муҳофазаси бўйича қўшимча ахборот олиш учун ушбу сайтга қаранг: www.upov.int.

Ўзбекистон Республикасида селекция ютуқларига ўсимликларнинг янги навларидан ташқари ҳайвонларнинг янги зотлари ҳам киради⁹.

Интеграл микросхемалар топологияси.

Сиз микрочиплар ва ярим ўтказгичли микросхемаларда ишлатиладиган оригинал интеграл микросхемалар топологияларига муҳофаза олишингиз мумкин. Бундай муҳофаза интеграл микросхемани ўз ичига олган тайёр маҳсулотга ҳам тааллуқли бўлади. Ўзбекистон Республикасининг «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 2 - моддасига мувофиқ интеграл микросхема топологияси интеграл микросхема элементларининг ва улар ўртасидаги боғланишлар мажмуининг моддий жисмда қайд этилган фазовий-геометрик жойлашувидир.

Агар ихтиро патентга лаёқатли бўлса, ҳамма вақт ҳам патент билан муҳофазалаш зарурми?

Йўқ, ҳамма вақт эмас. Агар ихтиро патент билан ҳимояланиши мумкин бўлса, яъни патентга лаёқатли бўлса, у албатта тижорат жиҳатидан аҳамиятга эга бўлган технология ёки маҳсулот яратишига олиб келиши шарт эмас.

Шунинг учун патент олиш учун талабнома топширишдан аввал патентлашнинг ҳамма “яхши” ва “ёмон” томонларини синчиклаб чамалаб чиқиш ва бошқа имкониятларни ҳам таҳлил қилиш керак. Патент олиш, уни кучда сақлаб туриш ва патент ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мураккаб ва кўп маблағ талаб қиладиган жараён бўлиши мумкин. Патент олиш учун талабнома топшириш ёки топширмаслик - бу фақат коммерцияга оид қарор. Бундай қарор, асосан, ихтиронинг иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган муҳофазасини олиш имкониятига асосланган бўлиши керакки, у кейинчалик ихтирони коммерциализациялаш натижасида катта афзалликлар келтириши мумкин.

Патентга талабнома топшириш заруратига оид қарор қабул қилишда қуйидаги факторларни ҳисобга олиш лозим:

- Ихтирони коммерциализация қилиш учун бозор борми?
- Сизнинг ихтироингизга альтернатив бўлган қандай ечимлар бор ва уларни Сизнинг ихтироингиз билан қандай таққослаш мумкин?
- Ихтиро мавжуд бўлган маҳсулотни такомиллаштириш учун ярайдими ёки янгисини яратиш учунми? Агар шундай бўлса, ихтиро компаниянгнинг бизнес-стратегиясига қадай мос тушади?
- Ихтирони бозорга чиқаришда бирга қатнашишни истайдиган бўлажак лицензиат ёки инвесторлар борми?
- Ихтиро сизнинг компаниянгни ва рақобатчилар учун қанчалик даражада қимматли бўлади?
- Сизнинг маҳсулотингиз асосида “тескари лойиҳалаш” усули билан ихтирони аслидай қилиб тиклаш ёки “четлаб ўтиш” қанчалик даражада осон?


⁹ Ўзбекистон Республикасининг «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонунининг 14 - моддаси

- Бошқа шахслар, айниқса рақобатчилар сиз ихтиро қилган нарсани ихтиро қилишлари ва патентлашлари мумкинлиги эҳтимоли қандай?

- Бозордаги монополия ҳолатидан кутилган фойда патентлашга кетадиган сарф-харажатларни қоплайдими? (патентлашга оид харажатлар ҳақида 22 бетга қаранг)

Қандай ихтироларга бир ёки бир неча патент олиш мумкин, олинган муҳофаза соҳаси қанчалик кенг бўлади ва у иқтисодий жиҳатдан фойдали бўладими?

- Патент ҳуқуқларини бузилиш ҳолатларини аниқлаш осон бўладими, ва сиз патент ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун вақт ва маблағ сарфлашга тайёرمىсиз?



«Бачадон бўйинчаси саратони экспресс-диагностикаси» (патент № UZ IAP 03856, патент эгаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Патологик анатомия Республика маркази), 2010 йилда «Энг яхши интеллектуал мулк объекти» Республика конкурсида биринчи ўринни олди.

Патентлар ёки махфийлик

Агар ихтиро патентга лаёқатлилиқ шартларига мос келса (13 бетга қаранг), сизнинг компаниянгиз олдида икки йўл пайдо бўлади: ихтирони тижорат сири сифатида сақлаш, уни патентлаш ёки ихтиронинг моҳияти очилган тақдирда ҳам ҳеч ким уни патентлай олмайдиган шароитни (одатда уни **ҳимоялаш наشري** деб аталади) таъминлаш ва уни “ижтимоий мулк” соҳасига ўтказиш керакми?

Мамлакатда амал қилаётган ҳуқуқий тизимга мувофиқ тижорат сирининг ҳуқуқий муҳофазаси ноинсоф рақобат тўғрисидаги қонунга, бир ёки бир неча бошқа қонунларнинг махсус қоидаларига, конфиденциал ахборотнинг муҳофазасига оид прецедент ҳуқуқига, хизматчилар, буюртмачилар ва шериклар билан тузилган шартнома қоидаларига асосан, ёки юқорида келтирилганларнинг уйғунлигига асосан тақдим этилиши мумкин (Ўзбекистон Республикасида юқорида кўрсатиб ўтилгандек тижорат сирига оид муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси меъёрлари билан амалга оширилади).

Тижорат сири режимида муҳофазалашнинг афзалликлари:

Тижорат сири рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатларни талаб қилмайди.

Тижорат сири режимида муҳофазалаш ихтиро моҳиятини очишни ёки давлат идорасида рўйхатдан ўтказишни талаб қилмайди ва ихтиро моҳиятини нашр этиш шарт эмас.

Тижорат сири режимида муҳофазалашнинг амал қилиши муддат билан чекланмаган.

Тижорат сири дарҳол амал қилади.

Тижорат сири режимида муҳофазалашнинг камчиликлари:

Агар тижорат сири инновацион маҳсулотда қўлланган бўлса, ўзга шахслар уни “тескари лойиҳалаш” усули билан очишлари ва кейинчалик ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин;

Тижорат сири режимида муҳофазалаш фақат конфиденциал ахборотни ноқонуний олиш, ундан фойдаланиш ёки уни очишга нисбатан самарали бўлиши мумкин;

Агар тижорат сири оммага ошкор қилинган бўлса, унга эга бўлган исталган шахс ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Муҳофаза даражаси патент олинган ҳолдагига қараганда анча кучсиз бўлгани учун тижорат сирига бўлган ҳуқуқни ҳимоялаш мураккаб; чунки,

Тижорат сирининг мазмуни худди шундай ихтирони мустақил равишда яратиши мумкин бўлган бошқа шахслар томонидан патентланиши мумкин.

Патент олиш ва тижорат сири режимида муҳофазалашни ихтироларни муҳофазалашнинг альтернатив воситалари сифатида кўриб чиқилганда улар кўпинча бир-бирини тўлдиради.

Чунки, патентга талабномада келтирилган ихтиро моҳияти талабнома ваколатли давлат органи томонидан чоп этилгунга қадар махфий сақланади. Бундан ташқари, тижорат сири режимида патентланган ихтиродан муваффақиятли фойдаланиш учун зарур бўлган кўпгина қимматли ишлаб чиқариш сирлари (“ноу-хау”) сақлаб қолинади.

Нимани патентлаш мумкин?

Ихтирога патент муҳофазаси берилиши учун у бир қатор талабларга мувофиқ бўлиши керак. Хусусан, яратилган ихтиро:

- **Патентга лаёқатли объектга эга** (13 бет);


- **Янги** (янгилик талаби) (14 бет);

- **Ихтирочилик даражасига эга** (яққол аён бўлмаслик талаби) (14 бет);

- **Саноатда қўллаш мумкин** (16 бет); ва

- Патентга талабномада яққол ва тўлиқ **очилган** (ихтиро моҳияти очилганлигига оид талаб) (16 бет);

- Бу талабларнинг моҳиятини тушуниш учун энг яхши йўл тегишли техника соҳасида аввал патентланган ихтироларни ўрганиб чиқишдир. Бунинг учун патент маълумотлар базаларига мурожаат этиш лозим (патент маълумотлар базалари 1 ва 1 бетларда батафсилроқ баён қилинган).



Тошкент темир йул транспорти муҳандислари институти томонидан токни ўзгартириш қурилмаси патентланган. Бу қурилма кенгайтирилган функционал имкониятлар билан бир вақтда камайтирилган оғирлик ва габарит кўрсаткичларига эга бўлган ҳамда ўзгатириш аниқлиги оширилган ўлчаш ўзгартиргичларига оид (патент № IAP 04217).

Фойдали моделлар

Фойдали моделларнинг ўзига хос томонлари:

Фойдали моделларга муҳофаза тақдим этиш шартлари юмшоқроқ, чунки “иختирочилик даражаси” талабининг мавжудлиги юмшатилиши ёки умуман бўлмаслиги мумкин (Ўзбекистон Республикаси «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонунининг 7 моддасига мувофиқ фойдали моделнинг патентга лаёқатлилиқ шартлари “саноатда қўллаш мумкинлиги” ва “янгилик” дан иборатдир);


Фойдали моделлар муҳофаза тақдим этиш процедураси одатда ихтироларга патент беришга қараганда қисқароқ ва соддароқ;

Патент олиш ва уни кучда сақлаб туриш учун патент божи ихтироларга патент беришга қараганда камроқ.

Фойдали моделларга тақдим этиладиган муҳофазанинг максимал муддати ҳам ихтиро патенти муддатига қараганда қисқароқ, Ўзбекистон Республикаси «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонунининг 5 - моддасига мувофиқ фойдали модель патенти патент бериш ҳақидаги талабнома Патент идорасига топширилган санадан эътиборан беш йил мобайнида амал қилади ва патент эгасининг илтимосномасига биноан уч йилга узайтирилиши мумкин.

Баъзи мамлакатларда фойдали моделлар маълум бир техника соҳаси билан чекланган бўлиб фақат маҳсулотга (усулга эмас) (Ўзбекистон Республикасида фақат қурилмага) оид бўлиши мумкин; ва

Одатда фойдали моделга талабномани ихтирога талабномага ўзгартириш мумкин.



“Газни нам усулда тозалаш учун қурилма” фойдали модели (патент № FAP 0483, патент эгаси “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” очик акциядорлик жамияти) 2010 йилда ўтказилган «Энг яхши интеллектуал мулк объекти» Республика конкурсида совринли ўринни олди.

Патентга лаёқатли объект нима?

Кўп миллий ва регионал патент қонунларида патентга лаёқатли объект, чеклашлар кўринишида яъни патентланмайдиган объектлар рўйхатини кўрсатиш йўли билан белгиланади. Катта фарқларга қарамасдан турли мамлакатларнинг қонунчилигида мавжуд бўлган патентланмайдиган билимлар соҳалари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- кашфиётлар;
- илмий назариялар ва математика усуллари;
- эстетика талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган ечимлар;
- ўйинлар, интеллектуал ва хўжалик фаолиятининг услуб ва қоидалари;

- ЭХМ учун дастурлар;
- жамоат тартибларига, ахлоқ қоидаларига зид бўлиши ва соғлиқни сақлашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ечимлар;
- Интеграл микросхемалар топологиялари;
- Микроорганизмлардан бошқача ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари ёки ўсимлик ва ҳайвонларни ишлаб чиқариш учун асосан биологик жараёнлар, биологик бўлмаган ва микробиологик жараёнлардан ташқари; ва
- Фақат ахборотни тақдим этишдан иборат бўлган ечимлар;

Дастурий таъминотни муҳофазалаш

Баъзи мамлакатларда дастурий таъминотнинг функционал имкониятларини яхшилаш учун асос бўладиган математик алгоритмларга патент муҳофазаси берилиши мумкин, бироқ бошқа мамлакатларда эса, масалан Ўзбекистон Республикасида улар **патентга лаёқатсиз объектлар** сифатида муҳофазадан чиқарилган.

Лекин бир қатор мамлакатларда эса дастурий таъминотга оид ихтиролар техника даражасига **техник ҳисса** қўшиши шарти билан патент муҳофазасидан фойдаланадилар. Дастурий таъминотнинг патентга лаёқатлилиги масалалари бўйича тўлиқ ахборот олиш учун патент олиш мўлжалланган мамлакат патент идорасига мурожаат этиш лозим (патент идораларининг сайтлари рўйхати кўрсатилган 1-Иловага қаранг).

Кўпгина мамлакатларда компьютер дастурларининг объектив ва дастлабки кодлари **муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасининг** предмети бўлиши мумкин. Муаллифлик ҳуқуқи муҳофазаси рўйхатдан ўтказилиш фактига боғлиқ эмас ва рўйхатдан ўтказиш мажбурий эмас, лекин баъзи мамлакатларда (хусусан Ўзбекистон Республикасида) ЭХМ учун дастурни рўйхатдан ўтказиш мумкин ва хаттоки, мақсадга мувофиқ. Муаллифлик ҳуқуқи муҳофазаси ҳуқуқлар хажми бўйича патент муҳофазасига нисбатан чекланган, чунки у ғоянинг ўзига эмас унинг ифодаланиш усулига тегишлидир. Кўпгина мамлакатларда компьютер дастурларининг объектив кодлари муаллифлик ҳуқуқи билан, дастлабки коди эса **тижорат сири (ноухау)** сифатида муҳофазаланади.

Ихтиронинг янгилиги қандай аниқланади?

Агар ихтиро **маълум техника тараққиёти даражасининг** бир қисмидан иборат бўлмаса, у янги ёки янгиликка эга деб ҳисобланади. Умуман олганда, маълум техника тараққиёти даражаси деганда устуворлик санасига қадар маълум бир техника соҳасидаги жаҳонда оммага ошкор бўлган барча маълумотлар тушунилади. Унга бошқа маълумотлар билан бир қаторда патентлар, патентга талабномалар ва барча турдаги нопатент адабиётлар киради.

Маълум техника тараққиёти даражасининг аниқлаш турли мамлакатларда бир-биридан фарқ қилади. Кўпгина мамлакатларда бирон-бир мамлакатда ёзма ёки оғзаки шаклда оммага ошкор қилинган исталган ахборот, кўрсатиш ёки очик фойдаланиш маълум техника тараққиёти даражасининг ташкил қилади. Шундай қилиб, ихтиро ҳақида илмий журналдаги нашр, конференциядаги презентация, тижорат фаолиятида фойдаланиш ёки компания каталогига киритиш ихтирони янгиликдан ва патентга лаёқатлилиқдан маҳрум қиладиган ҳаракатлардан иборат бўлиши мумкин.

Патентга талабнома топширишдан аввал ихтиро моҳиятини тасодифан очилишига йўл қўймаслик жуда муҳим. Аввалдан маълум бўлган техника даражасига нималар киришини аниқ белгилаш учун малакали патент вакилининг ёрдами хал қилувчи аҳамиятга эга. Техника даражасига кўриб чиқиши давом эттирилаётган, лекин кейинроқ чоп этиладиган талабномаларни ўз ичига олган “**яширин техника даражаси**” ҳам киради.

Қачон ихтиро ихтиролик даражасига эга бўлади?

Агар ихтиро мазкур соҳадаги мутахассис учун техника тараққиёти даражаси ҳақидаги маълумотлардан яққол аён бўлмаса, ихтиролик даражасига эга (ёки яққол аён эмас) бўлади. Яққол аён эмаслик талаби патентлар шу соҳадаги оддий мутахассис ушбу муаммони хал қилиш учун ўз билимлари асосида осонгина таклиф эта оладиган ечимларга эмас, балки фақат ҳақиқий ижодий ва новаторлик ишланмалари натижаларига берилишини кафолатлайди деб тушунилади.

Баъзи мамлакатларда суд қарорларига мувофиқ “ихтиролик даражасига” эга деб ҳисобланмайдиган ечимларга бир неча мисол келтирамиз: ўлчамларни шунчаки ўзгартириш, буюмга портатив (кичик) кўриниш бериш, деталларнинг жойини ўзгартириш, материалларини ўзгартириш, эквивалент деталга ёки бажариладиган функцияга оддий ўзгартириш.

Ҳаёт ҳақидаги фанлар ва патент

Кейинги йилларда ҳаёт ҳақидаги фанларга оид (айниқса биотехнология соҳасида) патентлар сони кескин ўсиши кузатилмоқда; шунга қарамасдан турли мамлакатлар ўртасида қандай объектларни патентлаш мумкинлиги ҳақидаги фикрлар бир-биридан жуда катта фарқ юзага келмоқда.

Деярли барча мамлакатлар микро-организмларга оид ихтироларни патентлашга йўл қўядилар, ва бундай микро-организм жамоатчилиқка маълум бўлмаса ва етарли даражада тавсифланиши мумкин бўлмаса микроорганизм намунасини махсус депозит муассасида депонентлашни талаб қиладилар. Кўп мамлакатлар ўсимликлар ва ҳайвонларни патентга лаёқатли объектлар рўйхатидан чиқарганлар, лекин

уларнинг табиий муҳитидан ажратиб олинган ва тозаланган ёки техник ишлов бериш ёрдамида яратилган биологик моддаларни патентлашга рухсат берадилар. Миллий қонунчилик шунингдек, инсонни клонлаш ёки генетик айнанлигини ўзгартириш каби патентга лаёқатли бўлмаган ихтироларнинг махсус турларини ҳам кўрсатиши мумкин.

Мамлакатларнинг шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда ўсимликларнинг янги навлари патент тизими доирасида ёки ўсимликларнинг янги навларини муҳофазалашнинг махсус тизими орқали ёки уларнинг биргалигида муҳофаза қилинади (қўшимча ахборот олиш учун www.upov.int сайтига қаранг). Ўзбекистон Республикасида ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвон зотларини селекция ютуқлари доирасида муҳофазалайдиган махсус тизим қабул қилинган.

Ихтирони очиш талабини билдиради?

Кўпгина мамлакатларнинг шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигига мувофиқ **патентга талабнома ихтиро моҳиятини ушбу техника соҳасидаги ҳар қандай мутахассис ихтирони амалга ошириши учун етарли даражада аниқ ва тўлиқ очиб бериши** керак. Баъзи мамлакатларнинг патент қонуни ихтирочи ихтирони амалга оширишнинг “**энг яхши вариантини**” очиб беришини талаб қиладди. Микроорганизмларга тааллуқли патентларга келганда кўп мамлакатлар микроорганизм **махсус депозит муассасада** депонентланишини талаб қиладилар.

Патент қандай ҳуқуқлар беради?

Патент ўз эгасига бошқа шахсларнинг ихтиродан тижорат мақсадларида фойдаланишларига йўл қўймаслик ҳуқуқини тақдим этади. Мазкур ҳуқуқ ўзга шахслар томонидан патентланган ихтиро асосидаги маҳсулот ёки усулни патент эгасининг рухсатисиз тайёрлаш, ундан фойдаланиш, сотишга таклиф қилиш, сотиш ва мамлакатга олиб киришга қаршилиқ кўрсатиш ёки бундай ҳаракатларни тўхтатиш ҳуқуқларини ўз ичига олади.

Шуни таъкидлаб ўтиш муҳимки, патент ўз эгасига “фойдаланиш эркинлиги” ёки патент бўйича технологиядан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этмайди, балки фақат ўзга шахсларга бундай

фойдаланишга йўл қўймаслик ҳуқуқини беради. Бу арзимас фарқ бўлиб кўринса ҳам, патент тизимини ва ҳар хил патентлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар принципини тушунишда катта аҳамиятга эга. Умуман олганда, ўзга шахсларга тегишли патентларга бўлган ҳуқуқлар ўзаро тўқнашиб қолиши, сизнинг патентингизни ўз ичига олиши ёки тўлдириши мумкин. Шу сабабли, ўзингизнинг патентланган изобретингиздан тижорат мақсадларида фойдаланиш учун ўзга шахсларнинг изобретларидан фойдаланишга лицензия олиш зарур бўлиб қолиши, ёки аксинча ҳол юзага келиши мумкин. Хусусан, агар патент эгаси саноат мулки объектдан унинг таркибида бошқа юридик ёки жисмоний шахсга қарашли муҳофаза қилинаётган ўзга объект қўлланилиши туфайли фойдалана олмаса, патент эгаси мазкур шахсдан бу объектдан шартномада назарда тутилган шартлар асосида фойдаланиш учун лицензия беришни талаб қилишга ҳақлидир¹⁰.

Бундан ташқари, баъзи изобретлардан (фармацевтик препаратлар каби) тижорат мақсадларида фойдаланишни бошлашдан олдин махсус рухсатномалар (масалан, мамлакатнинг ушбу соҳасида тартибга солишни амалга оширадиган ваколатли органлари томонидан тижорат оборотига киритиш учун бериладиган рухсатнома) талаб қилиниши мумкин. Ўзбекистон Республикасида бундай ҳолларда дори воситасига тааллуқли патентнинг амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосномасига кўра белгиланган 20 йилдан кўпроқ, лекин 5 йилдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин¹¹.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Изобретлар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонунининг 32 - моддаси

¹¹ Ушбу Қонуннинг 5 - моддаси

Ким изобрет муаллифи бўлади ва патентга бўлган ҳуқуқ кимга тегишли бўлади?

Ўзининг ижодий меҳнати билан изобретни яратган жисмоний шахс шу изобретнинг муаллифи деб эътироф этилади.

Патентга талабнома топширган жисмоний шахс (ёки компания) **талабнома берувчи ёки патент эгаси** бўлади. Изобрет муаллифи ўзи талабнома берувчи ҳам бўлиши мумкин, лекин кўп ҳолларда муаллиф ва талабнома берувчи ҳар хил шахслар бўлади. Кўпинча изобрет муаллифи ишлайдиган компания ёки илмий-тадқиқот институти талабнома берувчи бўлади. Қуйидаги конкрет ҳолатларга эътибор қаратиш лозим:

Хизмат вазифаси юзасидан яратилган изобретлар. Кўп мамлакатларда хизмат вазифасини бажариш натижасида яратилган изобретлар автоматик равишда иш берувчига тегишли бўлади. Баъзи мамлакатларда бундай қоида фақат меҳнат шартномасида келишилган ҳолларда амал қилади. Ўзбекистон Республикасида ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини ёки иш берувчидан олган аниқ топшириқни бажариш муносабати билан яратилган саноат мулки объектнинг патентига бўлган ҳуқуқ, агар бу ҳол улар ўртасидаги тузилган шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига тегишли бўлади.

Агар иш берувчи билан муаллиф (ҳаммуаллифлар) ўртасидаги шартномада ушбу модданинг иккинчи қисмидаги қоидалар назарда тутилган бўлмаса, у ҳолда муаллиф (ҳаммуаллифлар) талабнома топшириш ва саноат мулки объектнинг патентини ўз номига олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда иш берувчи патент эгасига шартномада белгиланадиган миқдорда товон тўлаб, ўз ишлаб чиқари-

шида тегишли саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Иш берувчи саноат мулки объектини сир сақлаган тақдирда, муаллифга (ҳаммуаллифларга) мутаносиб равишда ҳақ тўлаши шарт, ҳақ миқдори шартномада белгиланади¹².

Мустақил пудратчилар. Кўпгина мамлакатларда компания томонидан янги маҳсулот ёки услуни яратиш учун ёлланган мустақил пудратчи башарти улар ўртасидаги бошқача келишилмаган бўлса, ихтирога бўлган барча ҳуқуқларга эга бўлади. Бу шуни билдирадики, агар пудратчи ихтирога бўлган ҳуқуқни компанияга топшириш ҳақида ёзма равишда келишув тузмаган бўлса, компания ишланмани яратиш учун харажатларни тўлаган бўлса ҳам яратилган ихтирога нисбатан ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмайди.

Ҳаммуаллифлар. Агар ихтиронинг ғояси ва мазмунига, бир неча шахсларнинг жиддий ҳиссаси қўшилган бўлса, улар ҳаммуаллифлар сифатида қабул қилиниши ва патентга талабномада муаллифлар қаторида кўрсатилиши керак. Агар ҳаммуаллифлар шунингдек ихтиронинг биргаликдаги талабнома берувчилари ҳам бўлса, у ҳолда патент биргаликда уларнинг ҳаммасига берилади.

Патентга биргаликда эгалик қилувчилар. Турли мамлакатларда патент эгаси бир неча ҳуқуқий ёки жисмоний шахслардан иборат патентлардан фойдаланиш ва уларни ҳимоя қилишга тааллуқли турлича қоидалар амал қилади. Баъзи ҳолларда патентга биргаликда эгалик қилувчилардан ҳеч бири бир ўзи барча патент эгаларининг розилигисиз патентга лицензия сотиши ёки патент ҳуқуқларининг учинчи шахслар томонидан бузилишига қарши даъво аризаси бериши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида бир неча патент эгасига

қарашли бўлган саноат мулки объектидан фойдаланиш борасидаги ўзаро муносабатлар улар ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, ҳар бир патент эгаси муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектидан ўз хоҳишича фойдаланиши мумкин, лекин қолган патентга эгаларининг розилигисиз объектга мутлақ лицензия беришга ёки патентни ўзга шахсга топширишга ҳақли эмас¹³.

Ўзини текшириш учун якуний ахборот

Ихтирони патентлаш шартми?

Патент билан муҳофаза қилишнинг афзалликларини яхшилаб ўйлаб кўринг, бошқа альтернатив ечимларни (тижорат сири режими, фойдали моделлар ва х.к.) кўриб чиқинг ва “харажатлар/даромадлар” мезони бўйича таҳлил ўтказинг.

Асосли қарор қабул қилинганига ишонч ҳосил қилиш учун кейинги бўлимларда патентлар ҳақида келтирилган қўшимча ахборот билан танишиб чиқинг.

Ихтиро патентга лаёқатлими?

Патентга лаёқатликка талабларни диққат билан ўрганиб чиқинг, Ўзбекистон Республикасида нималар патентга лаёқатли эканлиги ҳақида батафсил маълумотни олинг ва маълум техника даражасини аниқлаш учун патент қидирувини ўтказинг (кейинги қўшимчага қаранг)

Сизнинг компаниянгизга, компания хизматчиларига ва ихтирони яратишда молиявий ёки техник ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган исталган шерикка тегишли бўлган **ихтирога ҳуқуқлар ҳақидаги масалани ойдинлаштиринг.**

¹² Ўзбекистон Республикаси «ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддаси

¹³ Ушбу Қонуннинг 11-моддаси

2. ПАТЕНТНИ ҚАНДАЙ ОЛИШ МУМКИН

Нимадан бошлаш керак?

Одатда биринчи босқич техника даражасини аниқлашдан иборат бўлади. Сизнинг талабномангиз бўйича техника даражасига кириши мумкин бўлган бутун дунё бўйича берилган 40 миллиондан ортиқ патентларни ва миллионлаб босма нашрлар мавжудлигини ҳисобга олсак, патент қидируви ўтказилганда бирон бир маълум адабиёт ёки бир неча патентларнинг аниқланиши ихтиронинг янгилиги ёки яққол аён эмаслигидан маҳрум қилиши ва уни патентга лаёқатсиз ҳолатга келтириши мумкин.

Яратилган ихтиронинг патентга лаёқатлилигини аниқлаш учун маълум техника даражасида патент қидируви ўтказиш, агар қидирув натижасида чоп этилган адабиётлар орасидан ихтирони патентлашга тўсқинлик қиладиган патентлар ёки бошқа ишлар аниқланган ҳолда патентга талабнома топшириш учун бекорга кетадиган харажатлардан асраб қолиши мумкин. Маълум техника даражасини аниқлаш учун патент қидируви ўтказилганда нопатент адабиётга кирадиган илмий-техникавий журналлар, маълумотномалар, конференция материаллари, диссертациялар, сайтлар, компанияларнинг проспекtlари, тижорат нашрлари ва газетада босилган мақолалар бўйича ҳам қидирув ўтказилади.

Патент ахбороти стратегик бизнес-режа учун жуда катта қийматга эга бўлган таснифланган ноёб техник ахборот манбаидир. Ихтиро моҳияти биринчи марта патент ёки патентга талабнома

чоп этилгандан кейин оммага ошкор қилинади. Шундай қилиб патентлар ва чоп этилган талабномалар инновацион маҳсулот бозорга чиқишидан анча олдин энг янги ишланмалар ва инновацияларнинг натижалари билан танишиш имконини беради. Патент қидируви ИТТКИ ўтказишдаги ишларнинг муҳим қисмидир.

Патент маълумотлар базаларида қидирув ўтказишнинг аҳамияти

Патент маълумотлар базаларида ўз вақтида самарали қидирув ўтказиш ихтирони патентга лаёқатлилиikka теширишдан ташқари, қуйидагиларга оид жуда фойдали ахборотлар ва маълумотларни бериши мумкин:

Мавжуд бўлган ва бўлиши мумкин бўлган рақобатчиларнинг ИТТКИ соҳасидаги фаолиятига;

Мазкур техника соҳасининг ривожланишидаги замонавий тенденцияларга;

Лицензияланадиган технологияларга;

Тадқиқотларни ўтказиш учун бўлажак таъминотчилар, шериклар ва манбаларга;

Ўз мамлакати ва хориждаги эгалланиши мумкин бўлган бозор қисмларига;

Мазкур соҳадаги ўзга шахсларга тегишли бўлган ва амал қилаётган патентларга оид ахборотни, сизнинг маҳсулотингиз бу патент эгаларининг ҳуқуқларини бузмаслиги учун (“патент тозаллиги”);

Мазкур соҳадаги амал қилиш муддати тугаган патентларга ва жамият мулкига айланган технологияларга; ва

Мавжуд технологиялар яратилиши мумкин бўлган янги ишланмаларга оид ахборотларни.

Техника даражасини аниқлаш учун патент қидируви қандай ўтказилади?

Кўп патент идоралари томонидан чоп этиладиган патентлар ва патентга талабномаларнинг онлайн режимида мавжудлиги маълум техника даражасини аниқлаш бўйича патент қидирувини ўтказишни осонлаштиради.

Онлайн режимида **патент маълумотлар базаларига** эркин кириш имкониятини яратган интеллектуал мулк идораларининг рўйхати www.wipo.int/ipdl/en/resources/links.jsp сайтида келтирилган. Бундан ташқари, кўпгина патент идоралари пуллик патент қидирувини ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатадилар. Патент ахборотиغا эга бўлиш Интернет сабабли анча осонлашди, юқори сифатли патент қидирувини ўтказиш оддий иш эмас. Патент соҳасидаги атамалар мураккаб ва бир хил маъноли эмас, шунинг учун ҳам профессионал патент қидирувини ўтказиш анчагина билим ва тажрибани талаб қилади. Гарчи дастлабки қидирув бепул онлайн маълумотлар базаларида ўтказилса ҳам, патент ахбороти ҳал қилувчи қарорларни (масалан, патентга талабнома топшириш керакми ёки йўқми) қабул қилиш учун мухтож бўлган кўп компаниялар патент иши соҳасидаги профессионал мутахассислар (масалан, патент вакиллари)¹⁴ хизматига мурожаат қилдилар ва ёки мураккаброқ пуллик маълумотлар базаларидан фойдаланадилар. Техника даражасини аниқлаш учун ўтказиладиган қидирувни калит сўзлар, патент таснифи индекслари ва қидирувнинг бошқа микониятлари асосида ўтказиш мумкин. Техника даражасининг тўлиқ эмаслиги қўлланган қидирув стратегияси, фойдаланилган таснифлаш тизими, қидирув ўтказаетган шахснинг техник тайёргарлиги ва шунингдек, фойдаланилаётган маълумотлар базасига боғлиқ бўлади.

Халқаро патент классификацияси

Халқаро патент классификацияси (ХПК) патент ҳужжатларини классификациялаш ва қидириш учун ишлатиладиган иерархик классификация тизимидан иборатдир. У шунингдек, патент ҳужжатларини тартибга солиш учун восита, ахборотни танлаб тарқатиш ва конкрет соҳалардаги техника тараққиёти даражасини аниқлаш учун асос сифатида ҳам хизмат қилади. ХПКнинг 8-таҳрири қуйидаги 8 та бўлимдан иборат:

- А. Инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш;**
- В. Турли технологик жараёнлар; транспорт воситасида ташиш;**
- С. Химия; металлургия;**
- Д. Текстиль; қоғоз;**
- Е. Қурилиш;**
- Ғ. Механика; ёритиш; иситиш; қурол-яроғ ва ўқ-дорилар; портлатиш ишлари;**
- Г. Физика;**
- Н. Электр.**

Бугунги кунда 100 дан ортиқ мамлакат ўз патентларини классификациялаш учун ХПКдан фойдаланмоқда:
www.wipo.int/classifications/en/ipc/index.html

¹⁴ ПАТЕНТ ВАКИЛЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ
(Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 01.07.2003 й. даги № 298
Қарорига 2 Илова)

Патент муҳофазасини қандай олиш мумкин ?

Техника даражасини аниқлаш бўйича қидирувни ўтказгандан ва патент муҳофазасини олиш зарурлиги ҳақида қарор қабул қилингандан кейин патентга талабномани расмийлаштириб, уни миллий ёки регионал патент идорасига топшириш керак. Талабнома ариза, ихтиронинг тўлиқ тавсифи, патент бўйича ҳуқуқлар ҳажмини белгилайдиган ихтиро формуласи, чизмалар ва рефератдан иборат бўлади. (Патентга талабнома таркиби ҳақидаги қўшимча ахборот 25 бетда келтирилган). Баъзи патент идоралари талабнома берувчиларга талабномани Интернет орқали топшириш имкониятини беради.

Баъзи мамлакатларда патентга дастлабки талабнома топшириш имкониятидан ҳам фойдаланиш мумкин (25 бетдаги қўшимчага қаранг).

Патентга талабномани расмийлаштириш талабнома бўйича иш юритиш жараёнини олиб боришда сизнинг манфаатларингизни ҳимоя қиладиган патент вакили томонидан амалга оширилиши мумкин. Кейинги бетдаги қўшимча талабномани кўриб чиқиш босқичлари ҳақида умумий тасаввурни беради. Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, турли мамлакатларда катта фарқлар бўлиши мумкин ва процедуралар ва божларнинг миқдори ҳақидаги ахборот олиш учун беvosита мамлакатнинг патент идорасига ёки патент-ҳуқуқий фирмага мурожаат этиш лозим.

Ўзбекистон Республикасида патент божларининг миқдори ва уларни тўлаш муддатлари, ёки уларни қайтариб бериш учун асослар, шунингдек патент божла-

ридан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади¹⁵.

Патент божлари ҳақидаги маълумотлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси сайтида ҳам чоп этилган: <http://www.patent.uz>.

Талабномани кўриб чиқиш босқичлари

Патент идораларида талабномалар бўйича экспертиза ўтказиш босқичлари бир-биридан фарқ қилади, лекин улардан умумийлари қуйидагилар:

- **Расмий экспертиза.** Патент идораси талабномани расмий талабларга мувофиқлигини текширади (масалан, барча зарур ҳужжатларнинг мавжудлиги ва талабномани топшириш учун бож тўланганлигини).

- **Қидирув.** Кўп мамлакатларда Патент идораси ихтиро мансуб бўлган соҳада маълум техника даражасини аниқлаш учун қидирув ўтказади. Патент қидируви ҳақидаги ҳисоботдан моҳиятан экспертиза ўтказилганда талабнома берилган ихтирони маълум техника даражаси билан таққослаш учун фойдаланилади. Ўзбекистон Республикасида патент қидируви моҳиятан экспертиза босқичига киради.

- **Моҳиятан экспертиза.** моҳиятан экспертизанинг мақсади патентга лаёқатликка бўлган талабларнинг бажарилганини аниқлаш. Барча патент идоралари ҳам талабномаларни ҳамма патентга лаёқатлик талабларига мувофиқлигини текширмайди.

¹⁵ ПАТЕНТ БОЖЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.04.2006 й. даги № 65 Қарорига 1 Илова)

Одатда патент идоралари моҳиятан экспертизани талабнома берувчининг белгиланган муддат ичида юбориладиган илтимосномаси асосида ўтказди. Ўзбекистон Республикасида Патент идораси талабнома берувчининг ёки ҳар қандай шахснинг илтимосномасига кўра ихтиро ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизаси ўтказди. Илтимоснома кўриб чиқиш учун қабул қилинган талабнома топширилган санадан эътиборан уч йил ичида топширилиши мумкин¹⁶.

Экспертиза натижалари талабнома берувчига (ёки унинг патент вакилига) жавоб бериш ва/ёки моҳиятан экспертиза ўтказишда юзага келган эътирозларни бартараф қилишга имконият яратиш учун ёзма равишда юборилади. Бу жараён кўпинча патентга талабнома бўйича муҳофаза ҳажмини камайтиришга олиб келади.

• **Талабномани чоп этиш.** Кўп мамлакатларда патентга талабнома топширилган санадан 18 ой ўтгандан сўнг чоп этилади. Ўзбекистон Республикасида талабнома эмас, балки у ҳақидаги асосий маълумотлар чоп этилади. Ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинганидан кейин ҳар қандай шахс ушбу талабномага доир ҳужжатлар билан танишиб чиқишга ҳақли¹⁷. Патент идоралари одатда патент ҳақидаги маълумотларни ҳам патент берилгандан сўнг чоп этади.

• **Патентни бериш:** Агар экспертиза ижобий хулосага келган бўлса, патент идораси патент бериш тўғрисида қарор қабул қилади ва патентни беради.

• **Эътироз:** Кўп патент идоралари учинчи шахслар патент берилишига қарши, масалан, талабнома берилган ихтиро янги эмаслиги асосида, эътирознома топширишлари учун муддат беради.

Эътирознома бериш процедураси патент берилгунга қадар ва/ёки берилгандан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида ихтирога патент Апелляция кенгашига берилган апелляция бўйича исталган вақтда ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши мумкин. Апелляция кенгашига апелляция берилганлиги туфайли ихтирога патент берилиши тўхтатиб турилиши мумкин¹⁸. Апелляция кенгаши шунингдек патент берилганлигига қарши манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар томонидан берилган апелляцияларни кўриб чиқади¹⁹.

- Патентга талабнома топшириш
- Расмий экспертиза
- Талабномани чоп этиш
- Қидирув ва моҳиятан экспертиза
- Патентни бериш ва уни чоп этиш
- Эътирозномаларни топшириш ва кўриб чиқиш.

Юқорида патентга талабномалар бўйича баъзи патент идораларида экспертиза ўтказиш процедураларининг соддалаштирилган схемаси келтирилган. Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, бундай процедуралар турли патент идораларида бир-биридан фарқланиши мумкин.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонунининг 23 - моддаси

¹⁷ Ушбу Қонуннинг 21¹ - моддаси

¹⁸ Ушбу Қонуннинг 27 - моддаси

¹⁹ Ушбу Қонуннинг 4 - моддаси

Ихтирони патентлаш қанча туради?

Патентлаш мақсадлари учун харажатлар ҳар хил мамлакатларда, ва ҳаттоки бир мамлакатда ихтиро характериға, мураккаблиғи, патент вакилининг гонорари, талабнома ҳажми каби факторларға қараб бир-биридан анча фарқ қилади. Патентға талабнома топшириш, патент олиш ва уни кучда сақлаб туриш билан боғлиқ харажатларни унутмасдан керакли равишда режалаштириш жуда муҳим:

- Одатда, бу харажатлар техника даражасини аниқлаш бўйича қидирув ўтказиш билан боғлиқ, айниқса, агар сиз мутахассис хизматидан фойдаланадиган бўлсангиз;

- **Талабномани топшириш учун давлат божининг** миқдори турли мамлакатларда катта фарқ қилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ўзининг сайтида божлар ҳақидаги маълумотларни берган. Баъзи мамлакатлар кичик ва ўрта корхоналар учун ёки онлайн режимида талабнома топширган талабнома берувчилар учун божлар миқдорини камайтиришни кўзда тутди. Бундан ташқари қатор мамлакатлар қўшимча бож тўланган тақдирда тезлаштирилган экспертиза ҳам ўтказдилар;

- Агар сиз талабнома топширишда (масалан, патентға лаёқатлилик ҳақида хулоса тайёрлашда, патентға талабно-

ма расмийлаштиришда, чизмаларни тайёрлашда ва патент идораси билан ёзишмалар олиб боришда) **патент вакилининг** хизматидан фойдалансангиз, унда қўшимча сарф-харажатлар қиласиз;

- Патент идораси патент бериш ҳақида қарор қабул қилгандан кейин одатда патентнинг амал қилишини сақлаб туриш учун лозим бўлган **ҳар йили патентни кучда сақлаб туриш учун**²⁰ (**ёки ҳар йилги патент божлари**) **ёки амал қилишини узайтириш учун божни** тўлаб туриш керак;

- Агар сиз ихтирони хорижий мамлакатларда патентлашга қарор қилган бўлсангиз, у мамлакатлардаги талабномани топшириш учун тегишли давлат божларини, таржима қилиш бўйича ва патент вакиллариининг (кўп мамлакатларда хорижий талабнома берувчилар учун мажбурий шарт бўлган) хизматларига кетадиган сарф-харажатларни ҳисобга олиш керак;

- Микроорганизмларга оид ихтиролар учун микроорганизмни ёки биологик материални махсус депозитар муассасада депонентлаш зарур бўлган ҳолда, уни топшириш, сақлаш ва яшовчанлигини текшириш учун бож тўлаш керак бўлади.

²⁰ Патент божлари ставкалари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.04.2006 й. даги № 65 Қарорига 2 Илова) (ВМ нинг 2008 й. 9 сентябридаги № 204 Қарорига мувофиқ киритилган ўзгартишлар билан)

Патентга талабнома топширилгунга қадар ихтиро конфиденциаллигини сақлаш қанчалик муҳим?

Агар сиз ихтирога патент олмоқчи бўлсангиз талабнома топширилгунга қадар унинг конфиденциаллигини сақлаш ғоятда зарур. Кўп ҳолларда ихтирони талабнома топширилгунча кўпчиликка ошкор қилиш агар шу мамлакат қонунчилигида “имтиёзли давр” кўзда тутилмаган бўлса, ихтирони янгилигидан маҳрум этиб патентга лаёқатсиз қилади (26 бетга қаранг)

Шундай қилиб, ихтирочилар, тадқиқотчилар ва корхоналар ихтиро моҳиятининг талабнома топширилгунга қадар ҳар қандай тарзда очилиши фактларидан эҳтиёт бўлишлари жуда муҳим.

Устуворликни белгилашда “талабномани биринчи бўлиб топширган” ва “ихтирони биринчи бўлиб яратган” тизимларининг ўзаро боғланиши

Мамлакатларнинг кўпчилигида ихтирога патент **талабномани биринчи бўлиб топширган шахсга** берилади. Фақат АҚШ бундан мустасно, у ерда ҳозирча **“ихтирони биринчи бўлиб яратган” тизими қўлланади**, унга мувофиқ талабномалар бир хил бўлиб қолган тақдирда, патент аввалроқ бошқа ихтирочи томонидан талабнома топширилганига қарамасдан ихтирони амалда яратган ва амалга оширган биринчи ихтирочига берилади. Устуворликни белгилашнинг бундай тизими доирасида бошқа компания ёки ихтирочи билан тортишув келиб чиққан ҳолда ихтирога муаллифликни исботлаш учун исбот сифатида фойдаланиши мумкин бўлган рақамланган ва тасдиқланган **лаборатория журналларини** сақлаб қўйиш жуда муҳим.

“Имтиёз даври” нима?

Бир қатор мамлакатларнинг қонунчилигида (ихтиро моҳияти талабнома топширилгунга қадар ихтирочи ёки талабнома берувчи томонидан очилган санадан эътиборан 6 ойдан 12 ойгача даврдан иборат бўлган) “имтиёз даври” кўзда тутилган, бу давр мобайнида ихтиро очилганига қарамай патентга лаёқатлигини сақлаб қолади. Бундай мамлакатларда ихтиро моҳиятини масалан, халқаро кўргазмада намоиш қилиш ёки каталогда ёхуд техникага оид журналда чоп этиш йўли билан очиш мумкин. Мазкур имтиёз даври мобайнида патентга талабнома топшириш ихтирони патентга лаёқатликдан, бинобарин патент олиш имкониятидан маҳрум этмайди. Ўзбекистон Республикасида “имтиёз даври” 6 ойни ташкил қилади.

Лекин барча мамлакатларда бундай бўлмагани сабабли, Ўзбекистон Республикасидаги “имтиёз даври”га умид қилиш ихтирони қонунчилиги “имтиёз даври”ни мавжудлигини кўзда тутмаган хорижий мамлакатларда патентлашда сизга халақит бериши мумкин.

Патентга талабномани қачон топшириш керак?

Умуман олганда, патентга талабномани расмийлаштириш учун етарли маълумотларни олганингиздан сўнг дарҳол патент муҳофазаси бўйича ишларни бошлаган маъқул. Лекин талабнома берувчига патентга талабнома топшириш учун энг қулай пайтни аниқлашга ёрдам берадиган кўп факторлар мавжуд. Талабномангизни ўз вақтида топшириш учун қуйидагилар асос бўлади:

- Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам (АҚШдан ташқари, 23 бетдаги қўшимчага қаранг) патентлар “талабномани биринчи топширган” устуворлик олади деган принцип асосида берилади. Шунинг учун талабномани эртароқ топшириб биринчи бўлиш ва мазкур ихтирога нисбатан ҳуқуқни йўқотмаслик муҳим аҳамиятга эга.

- Патент муҳофазасини олиш учун ўз вақтида мурожаат этиш одатда жуда фойдали, агар сиз **молиявий ёрдам** олишни мўлжаллаган бўлсангиз ёки тижорат мақсадларида фойдаланиш учун **ихтирони лицензиялашни** кўзлаган бўлсангиз.

- Умуман олганда, сиз патентга бўлган ўз ҳуқуқингизни патент берилгандан сўнг ҳимоя қилишингиз мумкин, лекин патент бериш процедураси бир неча йил давом этиши мумкин. (26 бетга қаранг).

Шу билан бир қаторда патентга талабнома беришга шошилиш яъни талабномани ихтиро яратилгандан сўнг дарҳол топшириш қуйидаги сабабларга кўра муаммо туғдириши мумкин:

- Агар сиз талабномани жуда эрта топшириб, кейинчалик унга ўзгартишлар киритмоқчи бўлсангиз ихтиронинг биринчи топширилган тавсифига муҳим ўзгартишлар киритиш мумкин эмас.

- Сиз бир мамлакатда ёки регионда талабнома топширган бўлсангиз, одатда сизнинг ихтиёрингизда шу ихтирога талабномани бошқа барча мамлакатларда топшириш учун биринчи топширилган талабнома устуворлиги устунлигидан фойдаланиш учун 12 ойлик муддат бўлади (30 бетдаги устуворлик санасига доир тушунтиришларга қаранг). Агар турли мамлакатларда муҳофаза олиш ва йиллик божларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар сизнинг компаниянгиз учун жуда юқори бўлса, муаммо туғилиши мумкин. Бу муаммонинг ечимларидан бири, талабнома матнини таржима қилиш ва миллий божларни тўлашни **Патент кооперацияси тўғрисидаги битимдан (РСТ)** фойдаланиб 30 ойни ташкил қилувчи кейинроқ муддатга суришдир (30 бетга қаранг).

Патентга талабнома топшириш вақтини танлашда, талабнома ихтиро моҳияти очилишидан аввал топширилиши лозимлигини ҳисобга олиш керак. Ихтиро моҳиятининг талабнома топширилгунга қадар ҳар қандай (масалан, тест маркетинги, инвесторларга ёки шерикларга презентация қилиш) тарзда очилиши фақат конфиденциалликни сақлаш ёки ахборотни ошкор қилмаслик ҳақидаги келишув тузилгандан кейин амалга оширилиши лозим.

Патентга дастлабки талабномалар

Баъзи мамлакатларда (Австралия, Канада, Ҳиндистон ва АҚШ каби) талабнома берувчилар патентга дастлабки талабнома топшириш имкониятига эга. Патентга дастлабки талабнома патентлашни бошлаш учун унча қиммат бўлмаган имконият сифатида таклиф этилади. Талабга тўлиқ жавоб берадиган талабномани топшириш учун талабнома берувчи 1 йил кутиш имкониятига эга. Патентга дастлабки талабномалар тизимлари турли мамлакатларда ҳар хил фарқларга эга бўлса ҳам, лекин қуйидаги умумий томонлари бор:

- Патентга дастлабки талабномалар бўйича одатда, моҳиятан экспертиза ўтказилмайди;
- Талабнома топшириш учун давлат божлари талабга тўлиқ жавоб берадиган талабномани топшириш учун белгиланган бождан кам;
- Дастлабки талабномада ихтиро формуласини топшириш талаб қилинмайди. Фақат ихтиронинг тўлиқ тавсифини топшириш керак.

Патентга талабнома нималарни ўз ичига олади?

Патентга талабнома қуйидаги функцияларни бажаради:

- Патент ҳуқуқлари ҳажмини аниқлайди;
- Ихтирони амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотни ўз ичига олган ихтиро моҳиятини тавсифлайди; ва
- Ихтиро муаллифи, патент эгаси ҳақидаги маълумотларни ва бошқа ахборотни келтиради.

Патентга талабнома таркиби барча мамлакатларда бир хил, талабнома **ариза, ихтиро тавсифи, ихтиро формуласи, чизмалар (агар зарур бўлса) ва рефератни** ўз ичига олади²¹.

Талабноманинг ҳажми талабнома берилган ихтирога ва техника соҳасига қараб бир неча бетдан бир неча юзлаб бетгача бўлиши мумкин.

Ариза

Аризада ихтиронинг номи, топшириш санаси, устуворлик санаси ва библиографик маълумотлар, масалан, талабнома берувчининг ва муаллифнинг номи, фамилияси, исми, шарифи ва манзили келтирилади.

Ихтиро тавсифи

Ихтиронинг ёзма тавсифи ихтиро моҳиятини мазкур техника соҳасидаги мутахассис фақат тавсиф ва чизмаларга асосан, қўшимча ижодий куч сарфламасдан қайта яратиши ва амалга ошириши учун етарли даражада батафсил очиқ бериши керак. Акс ҳолда патент берилиши мумкин эмас ёки судда ишни кўришда патент бекор қилиниши мумкин.

Ихтиро формуласи

Ихтиро формуласи тақдим этиладиган патент муҳофазасининг ҳажмини аниқлайди. Ихтиро формуласи ҳал қилувчи аҳамиятга эга, чунки агар ихтиро формуласи нотўғри тузилган бўлса, ҳатто қимматли ихтирога бошқа шахслар томонидан осон четлаб ўтса бўладиган фойдасиз патент муҳофазасини олиш мумкин.

Судда ишни кўришда патент бўйича ҳуқуқлар ҳажмини ва уларни бузиш имкониятларини аниқлашда ихтиро формуласининг таҳлили биринчи босқичдир. Патентга талабномани, айниқса ихтиро формуласини тузишда малакали мутахассис хизматларидан фойдаланиш қатъий тавсия этилади.

²¹ Ўзбекистон Республикаси «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонунининг 15 - моддаси;

Ихтиро формуласига мисол

1. Газ ўлчагичлар синовини ўтказиш усули ҳавони юқори босимда асосий ўлчаш сиғимига ҳайдашни, ҳавони сув босими остида асосий ўлчаш сиғимидан сиқиб чиқаришни, ҳавони синалаётган газ ўлчагичларидан ўтказишни ҳамда газ ўлчагичлар кўрсаткичлари натижаларини асосий ўлчаш сиғимидаги ҳаво ҳажми билан қиёслашни ўз ичига олади ва шу билан ф а р қ л а н а д и к и, асосий жамғарма ўлчаш сиғимига ҳаво ёрдамчи ўлчаш сиғимларидаги сув босими остида ҳавони навбатма-навбат ўтказиш йўли билан ҳайдалади.

2. Газ ўлчагичлар синовини ўтказиш қурилмаси ҳаво ўтказгич орқали синалаётган газ ўлчагичларга эга стенд билан боғланган асосий жамғарма ўлчаш сиғими, ушбу сиғимни таъминлайдиган сув босими ҳосил қиладиган линия, асосий ўлчаш сиғимига ўрнатилган сув ўлчагичи кўринишидаги ҳаво сарфини назорат қилиш мосламасидан иборат бўлиб, шу билан ф а р қ л а н а д и к и, сув босими ҳосил қиладиган туташган линия воситасида ўзаро боғланган, асосий жамғарма ўлчаш сиғими билан эса ҳаво ўтказгич воситасида ҳаво босими остида навбатма-навбат ҳаво ўтказиб туриш имконияти билан боғланган биринчи ва иккинчи ёрдамчи ўлчаш сиғими, газ ўлчагичлар учун ҳар хил ўтказиш қобилиятига эга бўлган стендларни ўз ичига олади, бунда ҳаво ўтказгич стендларга иситгичли ҳаво қуритгичи ва редуктор орқали уланган, сув босими ҳосил қиладиган линия эса диафрагмали насос билан таъминланган.


Чизмалар

Чизмалар ихтиронинг баъзи бир техник хусусиятларини аниқ тушунтириб беради. Улар ихтиро тавсифида келтирилган маълумотларни, фойдаланилган

воситалар ёки эришилган натижани тасвирлайди.

Агар чизмалар келтирилган бўлса, уларга бўлган талаблар белгиланган қоидаларга асосан қўйилади.

Чизмага мисол



Занжирли узатмага берилган фойдали моделга патент № FAP 0595.

Айланма ҳаракат етакчи юлдузча 1 дан, етакланувчи юлдузча 2 га занжир орқали берилади. Халқали втулка 5 нинг тўлқинсимон юзаси 8 юлдузча 6 асосининг 2 нинг ташқи қисми билан керакли ҳолатини маҳкамлайди. Бу ҳолда шовқин камайиб ишлаш ишончлиги ортади.

Реферат

Реферат ихтиро моҳиятининг қисқача баёнидан иборатдир. Агар патент чоп этилса, реферат унинг титул varaғига жойлаштирилади. Баъзи ҳолларда реферат патент идораси эксперти томонидан таҳрир қилинади ёки хатто, янгидан тузилади.

Патент муҳофазасини олиш қанча вақт талаб қиладиган?

Патент идорасига экспертиза ўтказиш, патент бериш учун керак бўладиган вақт турли мамлакатларда бир-биридан анча фарқ қиладиган, ва техника соҳасига қараб бир неча ойдан то бир неча йилни ташкил қилиши мумкин, одатда бу муддат 2-5 йилни ташкил қиладиган. Баъзи патент идоралари талабнома берувчи томонидан мурожаат этилганда ўтказиладиган тезлаштирилган экспертиза тизимига эга.

Баъзи мамлакатларда патент берилгандан кейин патентга талабнома чоп этилган санадан патент берилган санагача бўлган давр мобайнида (одатда талабнома топширилгандан кейин 18 ой ичида) юз берган ҳуқуқ бузилишларини содир этган ҳуқуқ бузувчиларни ҳам таъқиб қилиш мумкин. Одатда патентни талабнома чоп этилган санадан патент берилган санагача бўлган даврда фойдаланганлик учун оқилона миқдорда тоvon талаб қилиш имконияти мавжуд.

Лекин ҳамма мамлакатларда бундай эмас. (Ҳуқуқлар ҳимояси ҳақидаги қўшимча ахборот 38-40 бетларда келтирилган)

Баъзи мамлакатларда битта техник ечимга нисбатан патентга талабнома, шунингдек фойдали моделга талабнома ҳам топшириш мумкин. Бир қатор ҳолларда ихтирога патент берилгунга қадар (одатда, патент бериш процедураси тезроқ бўлган) фойдали моделга патент олиб туриш мақсадида шундай қилинади. Лекин Ўзбекистон Республикасида бундай имконият кўзда тутилмаган.

Патент муҳофазасининг муддати қанча?

Замонавий халқаро стандартда патент муҳофазасининг муддати, патентни кучда сақлаб туриш божлари ўз вақтида тўлаб турилган ва патентнинг бекор қилингани ёки ҳақиқий эмас деб эътироф этилгани ҳақида қарор бўлмаган ҳолда талабнома топширилган санадан эътиборан 20 йилни ташкил қилади.

Юқорида келтириб ўтилган ҳолатлар патентнинг юридик нуқтаи назардан амал қилишига тегишли бўлгани учун шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, агар патентланган технология эскирса, ва ихтиро асосида яратилган маҳсулот бо-

зорда талаб қилинмагани учун ихтиродан тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлмаса, **патентнинг тижорат ёки иқтисодий жиҳатдан мавжуд бўлиши** тугайди. Бундай ҳолларда патент эгаси патентни кучда сақлаб туриш учун бож тўлашни тўхтатишга қарор қабул қилса, патент муҳофазасининг 20 йил ўтмасдан муддатидан аввал тўхтатилишига ва патентнинг жамият мулкига айланишига олиб келади²³.

Баъзи мамлакатларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ҳам муҳофаза 20 йилдан ошиқ муддатга узайтирилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида бундай узайтириш дори воситалари ёки пестицидларга бериладиган патентларга оид, чунки улардан реал фойдаланиш муддати бу маҳсулотларни чиқариш учун мамлакатнинг ваколатли органларидан рухсатнома олишга кетадиган вақтга боғлиқлиги сабабли камаяди. Патентнинг амал қилиш муддати узайтирилгани ҳақидаги маълумотлар тегишли давлат реестрига киритилади ва патент идорасининг расмий нашрида чоп этилади. Патент эгасига патентнинг амал қилиш муддати узайтирилгани ҳақидаги ёзув киритилган “Патентга илова” юборилади²⁴. Бир қатор мамлакатларда ва баъзи ҳолларда **Қўшимча муҳофаза ҳақидаги гувоҳнома** (SPC) берилиши мумкин. Муҳофазани узайтириш муддати одатда 5 йилдан ошмайди.

²² Ўзбекистон Республикаси «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонунининг 5 - моддаси

²³ Ушбу Қонуннинг 28 - моддаси

²⁴ Ўзбекистон Республикасининг фойдали модел, саноат намунаси ва дори воситаси ёки пестицидга оид ихтиро патентининг муддатини узайтириш Қоидалари 14 - банди

Кўриб чиқилмаган талабномалар

Кўпгина компаниялар патентга талабнома топширилган ихтиродан фойдаланиб яратилган маҳсулотига “кўриб чиқилмаган талабнома” ёки “патент муҳофазасига талабнома берилган” сўзларидан иборат белги қўядилар, баъзида талабнома рақами ҳам кўрсатилади. Патент берилгандан кейин компаниялар маҳсулот патентлангани ҳақида, баъзи вақтда патент рақамини кўрсатган ҳолда белгилар қўядилар. Бундай кўрсатмалар ҳуқуқ бузилишларидан ҳеч қандай ҳимояни тақдим этмаса ҳам, бошқаларни бутунлай ёки қисман инновацион маҳсулотдан нусха кўчиришдан тўхтатадиган восита бўлиши мумкин.

Патентга талабнома топшириш учун патент вакили керакми?

Патентга талабномани расмийлаштириш ва патент олгунга қадар ишларни олиб бориш мураккаб масаладир. Патент муҳофазасини олиш учун олиб бориладиган ишлар қуйидагиларни кўзда тутати:

ихтирони патентга лаёқатлиликдан маҳрум қилиши мумкин бўлган маълум техник ечимни аниқлаш мақсадида техника даражасини аниқлаш учун қидирув ўтказиш;

юримдик ва техник атамалар уйғунлигидаги ихтиро формуласи ва тўлиқ тавсифини тузиш;

миллий ёки регионал патент идоралари билан ёзишмалар олиб бориш, хусусан, патентга талабноманинг моҳиятан экспертиза босқичида;

талабномага патент идораси томонидан талаб қилинадиган зарур тузатишларни киритиш.

Бу ишлар патент ҳуқуқини ва патент идораси иш тажрибасини чуқур билишни талаб қилади.

Шунинг учун бундай юримдик ёрдам мажбурий бўлмаса ҳам, қатъий тавсия қилинади. Тегишли ҳуқуқий билим ва тажрибага, шунингдек, ихтиро мансуб бўлган техника соҳасида малакага эга бўлган патент вакилининг хизматларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Кўп мамлакатларнинг қонунчилиги хорижий талабнома берувчилар ўз вакилини ушбу мамлакатда доимий истиқомат қиладиган рўйхатдан ўтган патент вакиллари орасидан тайинлашларини талаб қилади. Бундай талаб Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам мавжуд. Шу билан бирга, бу ҳолда патент вакиллари Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси рўйхатдан ўтказилган бўлиши керак.

Битта талабнома топшириб бир неча ихтиронинг ҳуқуқий муҳофазасини олиш мумкинми?

Патент қонунларининг кўпчилиги битта патентга талабномага киритилиш мумкин бўлган ихтиролар сонига тааллуқли муайян чеклашлар белгилайдилар. Бундай чеклашлар **ихтиро бирлиги** талабини ўз ичига олади. Қатор мамлакатларнинг патент қонунлари ихтиро бирлигига нисбатан ўз талабларига эга (масалан, АҚШ). Патент қонунчилигининг шундай мисоллари ҳам мавжудки (Европа патент конвенцияси ва Патент кооперацияси тўғрисидаги шарт-

нома, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги), улар битта талабномага умумий **“иختирочилик фикри”**га эга бўлган ихтиролар гуруҳини киритишга рухсат беради. Ихтиро бирлиги мавжуд бўлмаган ҳолда, талабнома берувчидан ихтиро формуласини чеклаш ёки асосий талабномани бир неча талабномаларга бўлиб ташлаш (талабномани ажратиш) талаб қилинади. Ҳуқуқий меъёрларда фарқлар мавжудлиги сабабли, баъзи мамлакатларда битта патентга талабнома топшириш етарли бўлган ҳолда, бошқаларида худди шундай ҳуқуқий ҳажми олиш учун икки ва ундан ортиқ талабнома топшириш керак бўлади.

Ўзини текшириш учун яқуний ахборот

Сизнинг ихтироингиз патентга лаёқатлими? Маълум техника даражасига нисбатан қидирув ўтказинг ва патент маълумотлар базаларидан тўғри фойдаланинг.

Патентга талабнома топшириш. Тегишли техника соҳасида малакага эга бўлган патент вакилининг хизматларидан айниқса, ихтиро формуласини тузиш учун фойдаланиш муҳимлигини пухта ўйлаб кўринг.

Талабнома топшириш вақтини танлаш. Ўз вақтида талабнома топширишни белгилайдиган сабабларни пухта ўйлаб кўринг ва патентга талабнома топширишнинг энг мақбул вақтини танланг.

Ихтиронинг патентга лаёқатлилигини хавф остига қўймаслик учун **ихтиро моҳиятига оид маълумотларни бевақт очиб қўйманг.**

Патентни кучда сақлаб туриш учун божлар. Барча патентларни кучда сақлаб туриш учун божлар ўз вақтида тўлаб туриш зарурлигини ёдда тутинг.

3. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ПАТЕНТЛАШ

Нима учун ихтирони хорижий мамлакатларда патентлайдилар?

Патентлар билан ҳудудий кучга эга бўлган, яъни ихтирога қайси мамлакатларда патент муҳофазаси олинган бўлса, шу мамлакатларда муҳофазаланишини билдирадиган ҳуқуқлар тақдим этилади. Бошқача айтганда, бирон-бир мамлакатда амал қиладиган патент олинмаган бўлса, ихтиро шу мамлакатда муҳофаза қилинмайди, бу эса бошқа компанияларга бундай ихтиро асосида яратилган маҳсулотни ишлаб чиқариш, ундан фойдаланиш, шу мамлакатга киритиш ва сотишга имкон беради.

Хорижий мамлакатларда патент муҳофазаси сизнинг компаниянгизга шу мамлакатларда патентланган ихтирога мутлақ ҳуқуқлардан фойдаланишга имкон беради. Бундан ташқари, хорижий мамлакатларда патентлаш ушбу ихтирога хорижий компанияларга лицензия бериш, ташқи ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантириш ва улар билан биргаликда шу мамлакатларнинг бозорларига кириш учун имконият беради.

Хорижий мамлакатларда патентлашни қачон бошлаш керак?

Ўзбекистон Республикаси «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги қонунининг 36 - моддасига мувофиқ давлат сирларини ўз ичига олмайдиган ихтиролар ва фойдали моделларни бошқа давлатларда патентлаш тегишли талабнома Патент идорасига топширилган кундан эътиборан уч ой ўтганидан кейин амалга оширилиши мумкин.

Бу ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига ихтирога талабнома топширилган санаси устуворлик санаси дейилади ва унинг асосида 12 ой ичида (яъни устуворлик даври мобайнида) бошқа мамлакатларга топширилган ҳар қандай кейинги талабномалар худди шундай ихтирога ўзга шахслар томонидан устуворлик санасидан кейин топширилган талабномаларга нисбатан устуворликдан фойдаланадилар. Хорижий мамлакатларда патентга талабномаларни кўрсатиб ўтилган устуворлик даври давомида топшириш қатъиян тавсия қилинади.

Устуворлик муддати тугагандан кейин то талабнома (патент) ҳақидаги маълумотлар патент идораси томонидан биринчи марта чоп этилгунча (одатда, устуворлик санасидан 18 ой ичида), сиз бошқа мамлакатларда ихтиро муҳофазасини олишга ҳаракат қилиб кўришингиз мумкин, лекин, бу ҳолда аввалги топширилган талабнома бўйича устуворликдан фойдалана олмайсиз. Шундай қилиб, ихтиро моҳияти очилган ёки чоп этилган бўлса, сиз янгилик йўқотилгани туфайли хорижий мамлакатларда патент муҳофазасини ола олмайсиз.

Ихтирони қаерда муҳофазалаш керак?

Ихтирони кўп мамлакатларда муҳофазалаш қиммат турадиган иш бўлгани учун компаниялар ҳақиқатдан ҳам патент олиш лозим бўлган мамлакатларни диққат билан ўрганиб чиқиб танлашлари керак. Қуйида ихтирони қайси мамлакатда патентлашни танлашда ҳисобга олиш керак бўлган муҳим жиҳатлари келтирилган:

Қайси мамлакатларда патентланган маҳсулотни коммерциализациялаш эҳтимоли бор?

Ўхшаш маҳсулотлар учун асосий бозорлар нимани ифодалайди?

Ҳар бир мамлакатда патентлаш билан боғлиқ сарф-харажатлар қандай ва бу мақсадлар учун қанча маблағ ажратилган?

Асосий рақобатчилар ўз фаолиятини қайси мамлакатларда олиб борадилар?

Маҳсулот қайси мамлакат ҳудудида тайёрланади?

Ҳар бир мамлакатда патент ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлаш қанчалик қийин бўлади.

Хорижий мамлакатларда патент муҳофазасини қандай олиш мумкин?

Хорижий мамлакатларда ихтиро муҳофазасини олишнинг асосий учта процедураси мавжуд:

Миллий процедура. Сизни қизиқтирган ҳар бир мамлакатнинг миллий патент идорасига талаб қилинган тилда патентга талабномани топшириб ва белгиланган божни тўлаб мурожаат этиш мумкин. Агар кўп сонли мамлакатларда патентлаш қақида гап кетганда бу йўл жуда ҳам оддий эмас ва қимматга тушадиган бўлиши мумкин.

Регионал процедура. Агар бир қатор мамлакатлар регионал патент тизимининг аъзоси бўлса, тегишли регионал идорага талабнома топшириб мамлакатларнинг ҳаммасида ёки бир нечасида патент муҳофазасини талаб қилиш мумкин. Регионал патент идоралари қуйидагилар:

Африка интеллектуал мулк ташкилоти (OAPI) (www.oapi.wipo.net);

Африка саноат мулки регионал иашкилоти (ARIPO) (www.aripo.org);

Еврооёе патент ташкилоти (EAPO) (www.eapo.org);

Европа патент идораси (ЕПВ) (www.epo.org);

Кўрфаз мамлакатлари ҳамкорлиги бўйича Кенгаш Патент идораси (www.gulf-patent-office.org.sa).

Халқаро процедура. Агар сизнинг компаниянгиз ихтиро муҳофазасини Патент кооперацияси тўғрисидаги битимга (РСТ) аъзо мамлакатларнинг кўп қисмида олиш имкониятидан фойдаланишни истаса, халқаро РСТ талабномасини топшириш қақида ўйлаб кўриш керак. Бундай ҳуқуққа эга бўлиш учун РСТга аъзо мамлакатнинг фуқароси бўлиш ёки шу мамлакатда яшаш жойи бўлиши, ёхуд шу мамлакатларнинг бирортасида жойлашган ҳақиқий саноат ёки савдо корхонасига эга бўлиши керак. РСТ тизими бўйича битта халқаро талабнома топшириб 140 дан ортиқ РСТга аъзо давлатларда ихтиронинг патент муҳофазасини олиш мумкин (II Иловага қаранг). Бундай халқаро талабнома РСТ доирасида “Қабул қилувчи идора” мақомига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига топширилиши мумкин. Халқаро талабнома шунингдек, РСТ доирасида “Қабул қилувчи идора” функциясини бажарадиган Швейцариянинг Женева шаҳрида жойлашган Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотига топширилиши мумкин.

Ўзини текшириш учун якуний ахборот

Ҳуқуқларнинг ҳудудий характери. Патентлар билан ҳудудий характерга эга бўлган ҳуқуқлар тақдим этилишини ёддан чиқарманг.

Устуворлик муддати. Хорижий мамлакатларда патент муҳофазасини олишда устуворлик давридан фойдаланинг, бунда белгиланган муддатларни ўтказиб юборманг, чунки бу ҳолат хорижий мамлакатларда муҳофаза ололмасликка сабаб бўлиши мумкин.

Муҳофазани қаерда талаб қилиш керак. Турли мамлакатлардаги харажатларни ҳисобга олган ҳолда олинган муҳофазадан қаерда фойда олишингиз мумкинлигини ўйлаб кўринг.

Муҳофазани қайси йўл билан талаб қилиш керак. Талабномани топшириш процедурасини соддалаштириш, вақтни тежаш ва кейинчалик хорижий мамлакатларда патентлашга тааллуқли қарорни асослаш учун ихтиронинг патентга лаёқатлилиги ҳақида ахборот олиш мақсадида РСТ тизимидан фойдаланишни ўйлаб кўринг.

РСТ тизимининг афзалликлари

РСТ тизимидан фойдаланиш мавжуд бўлган 12 ойлик устуворлик даврига қўшимча равишда яна камида 18 ойлик муддатни беради, бу муддат давомида ихтиронинг хорижий мамлакатларда тижорат жиҳатидан реализация қилиш истиқболларини ўрганиб чиқиш ва Патент олиш ҳақиқатдани ҳам мақсадга мувофиқ бўлган мамлакатларни аниқлаш мумкин. Шундай қилиб божларни ва талабномани танлаб олинган мамлакатларнинг миллий тилларига таржима қилиш бўйича харажатларни тўлаш муддатлари узаяди. Қайси мамлакатларда патентлаш ҳақидаги қарорни қабул қилишда узоқроқ муддатга эга бўлиш учун РСТ тизимдан кенг фойдаланилади.


Ўзбекистон Республикаси учун қўшимча муддат 18 ойни эмас, 19 ойни ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси кўпгина бошқа мамлакалардан фарқли равишда РСТ шартномасига мувофиқ топширилган ва унда Ўзбекистон Республикаси талабнома берувчи патент олишни мўлжаллаган давлат сифатида кўрсатилган талабномани кўриб чиқишни халқаро талабнома устуворлик санасидан эътиборан 30 ой эмас, 31 ой ўтгандан кейин бошлайди.

РСТ процедураси бўйича талабнома топширган талабнома берувчилар ўз ихтиросининг патентга лаёқатлиги ҳақида РСТ доирасидаги **Халқаро қидирув ҳақидаги ҳисобот ва Халқаро қидирув органининг хулосасида** келтирилаётган **муҳим аҳамиятга эга бўлган ахборотни** оладилар. Бу ҳужжатлар талабнома берувчиларга хорижий мамлакатларда патентлашни давом эттириш мақсадга мувофиқлигига оид қарор қабул қилишга асос бўлади.

Халқаро қидирув ҳақидаги ҳисобот жаҳоннинг барча мамлакатлари ҳужжатларининг техника даражасига оид рўйхатни ўз ичига олади. Халқаро қидирув органининг хулосасида ихтиронинг патентга лаёқатлилиги Халқаро қидирув ҳақидаги ҳисобот натижаларини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади.

Битта тилда тузилган РСТ доирасидаги битта халқаро талабнома ягона божлар тўланган ҳолда РСТ нинг барча мамлакатларида юридик кучга эга бўлади. Бу талабнома берувчи ҳар бир патент идорасига алоҳида талабнома топширганда кетадиган дастлабки сарфхаражатларни анча камайтиради. Регионал патент идораларига талабнома топшириш учун ҳам РСТ дан фойдаланиш мумкин. РСТ тизими бўйича халқаро талабнома ни қандай топширишга оид Қўлланмани Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасида ва БИМТ сайтидан олиш мумкин: www.wipo.int/pct

РСТ бўйича талабнома топшириш процедураси схемаси



4. ПАТЕНТЛАНГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ КОММЕРЦИАЛИЗАЦИЯЛАШ

Патентланган технологияни қандай коммерциализациялаш мумкин?

Патентнинг мавжудлиги тижорат жиҳатидан муваффақиятга эришишни кафолатламайди. Патент компания учун фақат ихтиролардан даромад олиш имкониятини берадиган воситадир. Компанияга яхшигина фойда келтириши учун патентдан самарали фойдаланиш керак. Одатда патент мавжудлиги билан мустаҳкамланган маҳсулот бозорда муваффақият қозонганда, компаниянинг обрўсини ёки шартномалар тузишда харидорларни ўзига жалб қилишини ошишига ёрдам берганда патент фойда келтиради. Патентланган ихтирони бозорга чиқаришда компания олдида қуйидаги альтернатив йўллар бўлади:

Патентланган ихтирони мустақил коммерциализация қилиш;

Патентни ўзга шахсларга сотиш;

Ўзга шахсларга лицензия бериш;

Шахсий активларига эга бўлган бошқа компаниялар билан қўшма корхона ёки стратегик иттифоқ тузиш.

Патентланган маҳсулот бозорга қандай чиқарилади?

Янги маҳсулотнинг бозордаги муваффақияти фақатгина унинг техник характеристикаларига боғлиқ эмас. Техника нуқтаи назаридан мисли қўрилмаган ихтиро, агар унинг асосидаги маҳсулотга кучли талаб бўлмаса, харидорларни ўзига жалб қила олмайди. Шу билан бирга тижорат муваффақияти маҳсулотнинг ташқи кўриниши, молиявий маблағларнинг мавжудлиги, самарали маркетинг стратегиясини ва рақобатлашувчи ёки алмаштирувчи маҳсулотларнинг

нархи билан таққослаган ҳолда маҳсулот нарҳини ишлаб чиқиш каби қатор факторларга ҳам боғлиқ бўлади.

Инновацион маҳсулотни бозорга чиқариш учун бизнес-режа ишлаб чиқиш фойдалидир. Бизнес-режалар иқтисодий ғояни амалга оширилишини таҳлил қилишнинг самарали воситасидир. Бизнес-режа патентланган янги маҳсулотни бозорга чиқаришга ёрдам берадиган инвестицияларни жалб қилиш учун муҳим аҳамиятга эга. Бизнес-режага компаниянинг патентлари ва патент стратегияси ҳақидаги ахборотни киритиш жуда муҳим, чунки бу ахборот компания маҳсулотининг янгилигини ва унинг молиявий аҳволини ишончли исботи бўлади, ва шунингдек ўзга шахсларнинг патентларига бўлган ҳуқуқларни бузиш эҳтимолини камайтиради.

Патентни сотиш мумкинми?

Ҳа мумкин, бу ихтиро патентига бўлган ҳуқуқларни ўзга шахсга ўтказиш (ихтиёрига ўтказиш) деб аталади яъни патентга бўлган мутлақ ҳуқуқ тўлиқ хажми бўйича ўзга шахсга ўтказилади. Бундай қарор жуда пухта ўйлаб кўрилган бўлиши керак.

Агар сиз ҳуқуқларни ўзга шахсга ўтказиш ўрнига патентингизга лицензия берсангиз, патент амал қилиш муддати охиригача роялти олиб туришга умид қилиш мумкин. Шу сабабли лицензиялаш молиявий нуқтаи назардан жуда қизиқтирадиган стратегия бўлиши мумкин. Бошқа томондан патентга ҳуқуқини ўзга шахсга ўтказиш шуни билдирадики, сиз лицензия бўйича патентдан фойдаланиш қанчалик даромадли бўлишидан қатъий назар, келажакда роялти кўринишидаги келадиган ажратмаларсиз белгиланган бир марта тўланадиган мукофотни оласиз.

Шундай ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин, айнан патентга мутлақ ҳуқуқни ўзга шахсларга ўтказиш фойдали бўлади. Агар патент ўзга шахсларга паушал (бир марталик) мукофот эвазига ўтказилса, сиз мукофотнинг ҳамма суммасини секин-аста олиб бориш учун 20 йилни (энг кўпи билан) кутмасдан келишилган суммани дарҳол оласиз. Сиз шунингдек патент бошқа технология томонидан сиқиб чиқарилиши каби хавфдан қутулиб қоласиз. Бундан ташқари, янги ташкил этилаётган компания патентини ўзга шахсга ўтказиш, агар патент компанияга тегишли бўлмаса, молиялаштириш очилиши учун дастлабки шарт бўлиши мумкин.

Ҳар ҳолда, қандай қарор қабул қилиш индивидуал характерга эга бўлиб сизнинг эҳтиёжларингиз ва қўйилган вазифаларга асосланади. Шунга қарамасдан, одатда патентни ўзга шахсларга ўтказиш тавсия қилинмайди ва патент эгалари ихтироларига ҳуқуқни ўзларида сақлаб қолишни ва лицензиялар беришни афзал кўрадилар.

Патент билан муҳофазаланадиган ихтирога ҳуқуқ ўзга шахсларга қандай лицензияланади?

Патент билан муҳофазаланадиган ихтирога ҳуқуқ патент эгаси (лицензиар) ўзга шахсга (лицензиатга) патентланган ихтиродан ўзаро келишилган шартларда фойдаланиш учун рухсат берган ҳолда лицензияланади. Бундай ҳолларда одатда иккала томон лицензия бериш шартлари келишиб олинган **лицензия шартномасини** тузадилар.

Патентланган ихтирони лицензия шартномаси орқали коммерциализациялашга ўзга шахсларга рухсат бериш компанияга **қўшимча кирим манбаига** эга бўлиш имкониятини беради ва ихтирога мутлақ ҳуқуқ мавжудлигидан фойда олишнинг кенг тарқалган

воситасидир. Лицензиялаш айниқса, агар ихтирога мутлақ ҳуқуққа эга бўлган компания маҳсулотни умуман ишлаб чиқариш ёки конкрет бозорнинг талабини қондириш учун етарли миқдорда тайёрлаш ёхуд маълум географик регионни маҳсулот билан таъминлаш имкониятига эга бўлмаган ҳолда фойдалидир.


Лицензия шартномасини тузиш юқори малакали музокаралар олиб бориш, келишув лойиҳасини тузишни талаб қилгани учун бундай ишларни бажаришда тажрибага эга бўлган лицензия шартномаси шартларини муҳокама қилиш ва унинг лойиҳасини тузишда қатнашишга жалб қилиб малакали ҳуқуқшуноснинг хизматларидан фойдаланиш тавсия этилади. Баъзи мамлакатларда лицензия шартномаларини давлат органида рўйхатдан ўтказиш талаб этилади.

Шуни назарда тутиш керакки, Ўзбекистон Республикаси «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонунининг 11 - моддасига мувофиқ лицензия шартномаси Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Патентдан фойдаланганлик учун қандай миқдорда роялти олиш мумкин?

Лицензия битимларида одатда ҳуқуқ эгаси мукофотни паушал тўлов ёки ва/ёки даврий равишда тўлаб бориладиган роялти кўринишида олади. Роялти лицензияланган маҳсулотнинг сотилиш ҳажмига (маҳсулот бирлиги учун роялти) ёхуд соф фойдага (соф фойда асосидаги роялти) асосланган бўлади. Кўп ҳолларда патент лицензиясига тўланадиган мукофот паушал тўлов ва роялтининг бирикмасидан иборат бўлади. Баъзи ҳолларда лицензиат фойдасининг томонлар билан келишилган улуши роялтининг ўрнига ўтиши мумкин.

Саноатнинг маълум бир соҳалари учун стандарт роялти ставкалари мажуд бўлишига қарамасдан, шуни ёдда тутиш керакки, ҳар бир лицензия шартномаси ўзига хосдир ва роялти ставкаси музокаралар мавзуси бўлган маълум ва жуда конкрет факторларга боғлиқ.. Шунинг учун бундай стандарт роялтилар жуда катта умид боғлаш керак бўлмаган дастлабки мўлжал бўлиши мумкин.



Фиг. 2.

Фойдали моделга патент № UZ FAP 0335 «Тозалагичларда пахта хом-ашёсини аррали цилиндр юзасидан олиш ва уни йўналтириш учун барабан» лицензия шартномаси предмети бўлди.

Мутлақ ва номутлақ лицензиялар бир-биридан нима билан фарқ қилади?

Ўтказилаётган ҳуқуқлар ҳажмига, ихтиродан фойдаланиш учун ҳуқуқ олаётган ёки олиши мумкин бўлган лицензиатлар сонига қараб лицензия шартномаларининг иккита кўриниши мавжуд²⁵:

Номутлақ лицензия: (лицензиатга интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланиш ҳуқуқини лицензиарда

бошқа шахсларга ҳам лицензия бериш ҳуқуқини сақлаган ҳолда бериш)

Мутлақ лицензия: (лицензиатга интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланиш ҳуқуқини лицензиарда бошқа шахсларга ҳам лицензия бериш ҳуқуқи сақланмаган ҳолда бериш)

²⁵ Ўзбекистон Республикаси «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги қонунининг 11 - моддаси

Патентга мутлақ ва номутлақ лицензия бериш керакми?

Бу маҳсулотнинг турига ва компаниянинг бизнес-стратегиясига боғлиқ. Масалан, технология конкрет бозордаги маҳсулотнинг маълум бир турини ишлаб чиқарувчиларнинг барчаси учун зарур бўлган ўзига хос стандарт технология бўлиб қолса, энг маъқул йўли бир неча номутлақ лицензиялар беришдир. Агар маҳсулот қандайдир битта компанияга зарур бўлса, ва уни ишлаб чиқариш ихтирони коммерциализациялаш учун анча маблағни талаб қилса (масалан, клиник синовларни ўтказиш учун инвестицияларни талаб қиладиган фармацевтик маҳсулот учун), бўлажак лицензиат бошқа бўлиши мумкин бўлган лицензиатлар томонидан мавжуд бўладиган рақобатга қарши бўлиши ва айнан мутлақ лицензия олишни қатъий талаб қилишга ҳақли.

Ихтирони лицензиялаш учун қайси вақт яхшироқ?

Ихтирони лицензиялаш учун энг маъқул вақтни кўрсатиш қийин, чунки лицензиялаш вақтини танлаш ҳар бир ҳолда конкрет шароитларга боғлиқ бўлади. Шундай бўлса ҳам, мустақил тадбиркорга ёки ихтирочига кўпинча патентлаш билан боғлиқ харажатларни қоплашга етарли бўлган киримлар миқдорини таъминлаш учун лицензияларни иложи борица эртaroқ қидира бошлаш керак. Бунинг учун патентнинг берилишини кутиб ўтириш зарур эмас.

Муносиб вақтдан ташқари, патентланган ихтирони коммерциализациялаш учун муносиб шерик (ёки шериклар)ни топиш янада муҳимроқ.

Патент қийматини баҳолаш

Нима учун компанияга патентларнинг қийматини баҳолашни амалга ошириш фойдали ёки зарурлигига уларни бухгалтерия ҳисобига қўйиш, лицензиялаш, компанияларни бир-бирига қўшиш ёки сотиб олиш, интеллектуал мулк активларини ўзга шахсга ўтказиш ёки сотиб олиш ва шунингдек қўшимча маблағларни жалб қилиш каби кўп турли сабаблар мавжуд. Гарчи патентлар қийматини баҳолашнинг ҳамма ҳолатларда қўлланадиган ягона методи мавжуд бўлмаса ҳам, қуйидаги методлар кенг қўлланади:

Даромад методи: патентлар қийматини баҳолашнинг энг кўп қўлланадиган методи.

Мазкур метод патент эгаси патент амал қилиши муддати давомида олиши мумкин бўлган кутилган даромадларнинг ҳисобига асосланган.

Харажатлар методи: патентнинг баҳосини корхонанинг ичида ёки ташқарида шунга ўхшиш активни яратиш билан боғлиқ харажатларни ҳисоблаш асосида аниқлайди.

Бозор методи: бозордаги таққосланиши мумкин бўлган битимларнинг миқдорларига асосланган.

Опцион метод: биржа опционлари баҳосини белгилашда фойдаланиш учун аввал ишлаб чиқилган баҳони белгилашнинг опцион методларига асосланган.

Патент қийматига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ва аниқ сонини айтиш қийин бўлган яна жуда кўп факторлар мавжуд. Бундай факторлар орасида ихтиро формуласига ёки мазкур соҳада бошқа техник ечимлар мавжудлигига боғлиқ бўлган муҳофаза ҳажмини эслатиб ўтиш мумкин.

Агар рақобатчининг патенти зарур бўлиб қолса, ундан фойдаланиш учун рухсат олиш мумкинми?

Сизнинг маҳсулотингиз ёки ишлаб чиқариш усулингизда фойдаланиш учун бундай рухсат олиш харажатлар нуқтаи назаридан ҳар доим ҳам оддий ёки мақбул бўлмайди. Лекин рақобатчингиз, ўз навбатида сизнинг компаниянгиз патентларидан фойдаланишдан манфаатдор бўлса, чаппараста лицензиялаш ҳақида ўйлаб кўриш керак. Чаппараста лицензиялаш бир қатор қўшимча ихтироларга оид бир неча патентлар икки ёки ундан кўп рақобатчиларга тегишли бўлган саноат тармоқларида кенг тарқалган. Бундай рақобатлашувчи компаниялар ҳуқуқ эгаси рақобатчилари бўлган патентлардан фойдаланишга ҳуқуқ олиш, ҳамда бир вақтнинг ўзида рақобатчиларга эса ўзларига тегишли патентлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш йўли билан ўзларига ҳаракат эркинлигини таъминлашга уринадилар.

Ўзини текшириш учун якуний ахборот

Коммерциализациялаш. Агар сиз инновацион маҳсулотни бозорга чиқаришга қарор қабул қилаётган бўлсангиз, патентланган ихтирони коммерциализациялашнинг турли вариантларини ўйлаб кўринг ва пухта ўйланган бизнес-режангиз мавжудлигига ишонч ҳосил қилинг.

Лицензиялаш. Роялти ставкаси ва лицензия шартномаларининг ўзига хос хусусиятлари музокаралар предмети бўлиб, лицензия шартномаларининг лойиҳасини тузишда ёки уларни тузиш учун музокаралар ўтказишда мутахассисларнинг хизматларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Мутлақ лицензия билан номутлақ (оддий) лицензияни таққослаш. Мутлақ/номутлақ (оддий) лицензия бериш учун асосларни аниқса, технологияларни ривожланиши ва компаниянгизнинг бизнес стратегиясини ҳисобга олган ҳолда ўйлаб кўринг.

Чаппараста лицензиялаш. Сизга зарур бўлган учинчи шахсларга тегишли технологияга эга бўлиш учун ўз патентларингиздан фойдаланишингиз тўғрисида ўйлаб кўринг.

5. ПАТЕНТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Нима учун патент ҳуқуқларини ҳимоя қилиш керак?

Агар сиз бозорда муваффақият қозонган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотни ишлаб чиқаришга жорий қилмоқчи бўлсангиз, рақобатчилар эртами ёки кечми сиз чиқараётган маҳсулотга ўхшаш ёки бир хил техник хусусиятларга эга бўлган маҳсулотни тайёрлашга ҳаракат қилиб кўришлари мумкин. Баъзи ҳолларда рақобатчилар каттароқ ишлаб чиқаришни ташкил этгани, бозорга чиқиш учун кенгроқ имкониятлар мавжудлиги ёки арзонроқ хомашёга эга бўлиш натижасида афзалликларга эга бўлиши ва шунинг учун ўхшаш ёки айнан шундай маҳсулотни сизникидан пастроқ нархларда ишлаб чиқариши мумкин.

Агар корхонангиз янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотни яратиш учун ИТТКИ ўтказишга катта маблағ киритган бўлса, бу сизнинг корхонангиз фаолиятига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Патент томонидан тақдим этиладиган мутлақ ҳуқуқлар патент эгасига рақобатчиларга шунга ўхшаш маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ва усулдан фойдаланишга, тўсқинлик қилиш ёхуд патент эгаси ҳуқуқларини бузадиган ҳаракатларни тўхтатиш ва етказилган зарарни ўрнини тўлдиришни талаб қилиш имкониятини беради. Патент ҳуқуқларининг бузилганлиги фактини аниқлаш учун ихтиро формуласининг мустақил бандига киритилган ҳар бир белги ёки унинг эквиваленти сизнинг ҳуқуқингизни бузадиган объект бўлган маҳсулот ёки усулда қўлланилганини исботлаш керак²⁶.

Агар сиз патентлаган ихтироингиздан кимдир фойдаланяпти деб ҳисобласангиз, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш рақобатчилик курашида устунликни, бозор қисмини ва корхона рентабеллигини сақлашда ҳал қилувчи фактор бўлиши мумкин.

Патент ҳуқуқларини бузувчиларни аниқлаш масъулияти кимнинг зиммасида?

Патентни бузувчиларни аниқлаш бўйича асосий мажбурият патент эгаси зиммасидадир. Патент эгаси бўлгандан кейин сиз бозорда ихтиродан фойдаланишини назорат ўрнатиш, ҳар қандай бузувчиларни аниқлаш бўйича чоратадбирларни амалга оширасиз ва патент ҳуқуқини бузувчиларга нисбатан даъво аризаси бериш заруриятига оид, агар берилса қандай ва қаерга даъво бериш кераклигига оид қарорларни қабул қиласиз. Патент эгаси бўлган мустақил муаллифлар ва кичик ва ўрта корхоналар бундай чора-тадбирларни (ёки бир қисмини) амалга оширишни мутлақ лицензия эгасига бериш ҳақида қарор қабул қилишлари мумкин.

Миллий ва/ёки ташқи бозорларда патентнинг ҳимояси бўйича ҳар қандай ҳаракатни амалга оширишда патент ҳуқуқи соҳасида ихтисослашган ҳуқуқшунос хизматларига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир. Ҳуқуқшунос бу ҳаракатлар билан боғлиқ хавф ва харажатлар, шунингдек энг маъқул стратегияни танлаш борасида ёрдам беради.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонунининг 30-моддаси

Агар сизнинг патентларингиз ўзга шахслар томонидан рухсат олмасдан фойдаланилаётган бўлса, нима қилиш керак?

Агар сиз ўзга шахслар патентингизни бузаяпти, яъни сизнинг рухсатингизсиз ундан фойдаланаяпти деб ҳисобласангиз, биринчидан, бузилган ҳуқуқлар объектлари бўлган маҳсулот ёки усулдан фойдаланганлик факти ва бузувчилар ҳақида маълумотларни йиғиш керак. Сиз ўз ҳаракатларингизни бошлаш вақтини ва характерини аниқлаш учун барча мавжуд бўлган фактларни йиғишингиз керак. Ҳар доим сизга патентланган ихтироингизга бўлган ҳуқуқларни бузилишига оид тўғри қарор қабул қилишга ёрдам берадиган пухта билимли ҳуқуқшуносни жалб қилинг.

Баъзи ҳолларда ҳуқуқларнинг бузилиши факти аниқлангандан кейин патент эгаси бўлган компания ҳуқуқ бузувчи деб тахмин қилинган шахсга ҳуқуқ бузилиши ҳақида маълум қиладиган (**“қонунга қарши ҳаракатларни давом эттиришни таъқиқлаш ҳақидаги хат”** сифатида маълум бўлган) билдиришнома юборишни афзал кўрадилар. Бу процедура кўпинча ҳуқуқларнинг бузилиши қасддан қилинмаган ҳолда самарали бўлади, чунки, бу ҳолда одатда ҳуқуқ бузувчи ёки бундай фаолиятини тўхтатади, ёки лицензия шартномасини тузиш ҳақида музокаралар бошлашга рози бўлади.

Шунга қарамасдан баъзан ҳуқуқ бузувчига далилларни беркитиш ёки йўқотиш учун вақт бермасдан қўққисдан ҳаракат қилиш энг яхши тактика ҳисобланади. Бундай ҳолатларда ҳуқуқ бузувчини олдиндан хабардор қилмасдан судга мурожаат қилиб тўсатдан ҳуқуқ бузувчининг хизмат хоналарида ҳуқуқни

муҳофаза қилувчи органлар вакиллари иштирокида текшириш ўтказиш ва **“вақтинча суд орқали таъқиқлаш”** ҳақида даъво аризаси бериш ўринлидир. Суд тахмин қилинаётган ҳуқуқ бузувчидан (кўп ой ва йиллар давом этиши мумкин бўлган) ишни судда кўриш натижалари олингунча ноқонуний ҳаракатларини тўхтатиб туришни талаб қилиши мумкин. Патент бузилган ёки бузилмаганлигига оид масала жуда мураккаб бўлиши мумкин, шунинг учун тегишли қарор ишнинг моҳиятини ўрганган суд процесси доирасида чиқарилиши мумкин.

Агар компания **фуқаролик даъво аризасини** беришга қарор қилган бўлса, судлар одатда, патент ҳуқуқи эгаларига етказилган зарарни қоплаш учун бериладиган компенсация ҳақидаги масалани хал қилиш учун суд ҳимоясининг бир қатор фуқаролик-ҳуқуқий воситаларини таклиф қиладилар. Бу масала бўйича сизга малакали ҳуқуқшунос тегишли ахборот бериши мумкин.

Баъзи мамлакатлар **патентларни бузувчи товарларни киритишни** олдини олиш мақсадида ўз божхона органларидан фойдаланган ҳолда патент эгаларига давлат чегараларида бундай товарларга нисбатан чоралар қўллаш имкониятларини бериши мумкин. Шу билан бир қаторда кўпгина мамлакатлар чегара чораларини қўллаш имкониятини ўзларининг халқаро мажбуриятларига мувофиқ, фақат бошқа бировнинг товар белгиси билан маркаланган контрафакт товарлар ва муаллифлик ҳуқуқини бузадиган **“қароқчилик”** товарлари киритилган ҳолда тақдим этадилар.

Умумий қоида сифатида шуни айтиб ўтиш керакки, агар сиз ҳуқуқлар бузилганлигини аниқлаган бўлсангиз, малакали ҳуқуқий маслаҳат олиш учун мурожаат этиш ниҳоятда зарур.

Патент ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ низоларни суддан ташқари тартибга солиш учун кадай имкониятлар мавжуд?

Агар низо сиз битим (масалан, лицензия шартномаси) тузган компания билан муносабатларингизга тааллуқли бўлса, биринчидан битимда **ҳакамлик** ҳақида модда борлигини текширинг. Узоқ давом этадиган ва қимматга тушадиган суд жараёнини олиб боришга йўл қўймаслик учун шартномага низони **ҳакамлик** доирасида тартибга солиш ҳақида махсус қоида киритиш мақсадга мувофиқдир. Томонларнинг ўзаро розилиги шарти билан низоларни хал қилишнинг альтернатив йўлларида бири бўлган **ҳакамликдан** шартномада тегишли модда ёки умуман шартнома мавжуд бўлмаган ҳолда ҳам фойдаланиш мумкин.

Ҳакамликнинг афзаллиги шундан иборатки, томонлар низони тартибга солиш жараёни устидан назоратни сақлаб қоладилар. Хусусан **ҳакамлик** сизнинг компаниянгиз балки келажакда ҳамкорликни кучайтиришга қарор қилган компания билан ўзаро ишга оид муносабатларни сақлаб қолишга ёрдам беради. БИМТ нинг арбитраж ва воситачилик бўйича маркази низоларни хал қилиш-

нинг альтернатив йўллари бўйича хизматлар кўрсатади. Арбитраж ва ҳакамлик бўйича қўшимча маълумотни қуйидаги сайтдан олишингиз мумкин: arbiter.wipo.int/center/index.html.

Ўзбекистон Республикасида арбитраж ва воситачилик масалалари бўйича Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Ҳакамлар судига мурожаат этиш мумкин. Қўшимча маълумотни қуйидаги сайтдан олишингиз мумкин: <http://www.chamber.uz>

Ўзини текшириш учун якуний ахборот

Хушёр бўлинг. Ҳуқуқ бузилиши ҳолатларини аниқлаш учун имкони борича рақобатчиларнинг ҳаракатларини кузатиб боринг.

Консультатив ёрдам олишга ҳаракат қилинг. Бирон-бир ҳаракат бошладан аввал патент вакилининг маслаҳатини олинг, чунки сизнинг томонингиздан амалга оширилган ҳар бир қадам ишнинг судда кўриш натижасига таъсир кўрсатиши мумкин.

Низоларни альтернатив йўл билан тартибга солиш. Низоларни суддан ташқари тартибга солиш усуллари ййлаб кўринг ва лицензия шартномасига ҳакамлик (ва арбитраж)га оид тегишли қоидаларни киритинг.

Кейинги ахборотларни олиш учун фойдали бўлган web-сайтлар

Корхоналарнинг фаолиятига оид бўлган бошқа интеллектуал мулк масалалари бўйича:

www.wipo.int/sme

Умуман патентлар бўйича:

www.wipo.int/patent/en/index.html

Ихтироларга талабнома топширишга оид амалий томонлари бўйича, 1 Иловада ёки қуйидаги сайтда берилган миллий ва регионал патент идоралари Web-сайтларининг рўйхатига қаранг:

www.wipo.int/directory/en/urls.jsp

Патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома бўйича:

www.wipo.int/pct/en/index.html

Халқаро патент классификацияси бўйича:

www.wipo.int/classifications/ipc/en

Арбитраж ва ҳакамлик бўйича:

arbiter.wipo.int/center/index.html

Миллий ва регионал патент идораларининг (патентлар)интерактив маълумотлар базалари бўйича:

www.wipo.int/ipdl/en/resources/links.jsp

ИМ ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш бўйича:

www.wipo.int/enforcement

Административ функцияларини БИМТ бажарадиган шартномаларга аъзо бўлиш масалалари бўйича:

www.wipo.int/treaties/en/index.jsp

Миллий ва регионал патент идораларининг Web-сайтлари адреслари

Африка интеллектуал мулк ташкилоти
(OAPI)

www.oapi.wipo.net

Африка саноат мулки регионал ташкилоти:
(ARIPO)

www.aripo.org

Жазоир

www.inapi.org

Андорра

www.omp.ad

Аргентина

www.inpi.gov.ar/

Арманистон

www.armpatent.org

Австрия

www.patent.bmwa.gv.at/

Австралия

www.ipaustralia.gov.au/

Барбадос

www.caipo.gov.bb/

Белиз

www.belipo.bz

Бельгия

www.european-patent-office.org/patlib/country/belgium/

Боливия

www.senapi.gov.bo

Бразилия

www.inpi.gov.br

Болгария

www.bpo.bg

Канада

www.cipo.gc.ca

Хитой

www.sipo.gov.cn

Хитой: Гонконг (махсус административ район)

www.info.gov.hk/ipd

Хитой: Макао (махсус административ район)

www.economia.gov.mo

Чили

www.dpi.cl

Колумбия

www.sic.gov.co

Коста-Рика

www.registronacional.go.cr

Хорватия

www.dziv.hr

Куба

www.ocpi.cu

Чехия Республикаси

www.upv.cz

Дания

www.dkpto.dk

Доминикана Республикаси

www.seic.gov.do/onapi

Миср

www.egypo.gov.eg 48

Сальвадор

www.cnr.gob.sv

Эстония

www.epa.ee

Евроосиё патент идораси

www.eapo.org

Европа патент идораси

www.epo.org

Финляндия

www.prh.fi

Франция

www.inpi.fr

Грузия

www.sakpatenti.org.ge

Германия	www.dpma.de
Греция	www.gge.gr
Қўрфаз мамлакатлари ҳамкорлиги бўйича Кенгаш	www.gulf-patent-office.org.sa
Венгрия	www.hpo.hu
Исландия	www.els.stjr.is
Хиндистон	www.patentoffice.nic.in
Индонезия	www.dgip.go.id
Ирландия	www.patentsoffice.ie
Изроил	www.justice.gov.il
Италия	www.uibm.gov.it
Ямайка	www.jipo.gob.jm
Япония	www.jpo.go.jp
Иордания	www.mit.gov.jo
Қозоғистон	www.kazpatent.kz
Кения	www.kipo.ke.wipo.net
Қирғизистон	www.krygyzpatent.kg
Лаос Халқ - Демократик Республикаси	www.stea.la.wipo.net
Латвия	www.lrpv.lv
Литва	www.vpb.lt
Люксембург	www.eco.public.lu/activites/direction_propriete/index.html
Малайзия	www.mipc.gov.my
Мексика	www.impi.gob.mx
Монако	www.european-patent-office.org/patlib/country/monaco/
Марокко	www.ompic.org.ma
Нидерландия	www.bie.minez.nl
Непал	www.ip.np.wipo.net
Янги Зеландия	www.iponz.govt.nz
Норвегия	49 www.patentstyret.no
Панама	www.mici.gob.pa/comintf.html
Перу	www.indecopi.gob.pe
Филиппин	www.ipophil.gov.ph
Польша	www.uprp.pl
Португалия	www.inpi.pt
Конго Республикаси	www.anpi.cg.wipo.net
Корея Республикаси	www.kipo.go.kr
Македония Республикаси	www.ippo.gov.mk
Молдова Республикаси	www.agepi.md
Руминия	www.osim.ro
Россия Федерацияси	www.rupto.ru
Сербия ва Черногория	www.yupat.sv.gov.yu
Сингапур	www.ipos.gov.sg

Словакия Республикаси
Словения
Испания
Швеция
Швейцария
Тожикистон
Таиланд
Туркия
Тунис
Украина
Бирлашган Қироллик
Америка Қўшма Штатлари
Уругвай
Ўзбекистон
Венесуэла

www.indprop.gov.sk
www.sipo.mzt.si
www.oepm.es
www.prv.se
www.ige.ch
www.tjpat.org
www.ipthailand.org
www.turkpatent.gov.tr
www.inorpi.ind.tn
www.ukrpatent.org
www.patent.gov.uk
www.uspto.gov
<http://dnpi.gub.uy>
www.patent.uz
www.sapi.gov.ve

Патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома иштирокчилари(РСТ)

(2009 й. 20 март ҳолатига кўра)

Албания	Греция
Жазоир	Гренада
Ангола	Гватемала
Антигуа ва Барбуда	Гвинея
Арманистон	Гвинея-Бисау
Австралия	Гондурас
Австрия	Венгрия
Озарбайжон	Исландия
Бахрайн	Хиндистон
Барбадос	Индонезия
Беларус	Ирландия
Бельгия	Исроил
Белиз	Италия
Бенин	Япония
Босния ва Герцеговина	Қозоғистон
Ботсвана	Кения
Бразилия	Қирғиситон
Болгария	Лаос
Буркина-Фасо	Латвия
Камерун	Лесото
Канада	Либерия
Марказий Африка Республикаси	Ливия
Чад	Лихтенштейн
Чили	Литва
Хитой	Люксембург
Колумбия	Мадагаскар
Комор Ороллари	Малави
Конго	Малайзия
Коста-Рика	Мали
Кот-д'Ивуар	Мальта
Хорватия	Мавритания
Куба	Мексика
Кипр	Монако
Чехия Республикаси	Монголия
Корея Халқ - Демократик Республикаси	Черногория
Дания	Марокко
Доминика	Мозамбик
Доминикана Республикаси	Намибия
Эквадор	Нидерландия
Миср	Янги Зеландия
Салвадор	Никарагуа
Экваториал Гвинея	Нигер
Эстония	Нигерия
Финляндия	Норвегия
Франция	Оман
Габон	Папуа-Янги Гвинея
Гамбия	Перу
Грузия	Филиппин
Германия	Польша
Гана	Португалия

Корея Республикаси
Молдова Республикаси
Руминия
Россия Федерацияси
Сент-Ките ва Невис
Сент-Люсия
Сент-Винсент ва Гренадина 51
Сербия
Сейшел Ороллари
Сьерра-Леоне
Сингапур
Словакия
Словения
Жанубий Африка
Испания
Шри-Ланка
Судан
Свазиленд
Швеция
Швейцария
Сурия Араб Республикаси
Тожикистон

Македония
Сан-Марино
Сан-Томе ва Принсипи
Сенегал
Того
Тринидад ва Тобаго
Тунис
Туркия
Туркменистон
Уганда
Украина
Бирлашган Араб Амирликлари
Бирлашган Қироллик
Бирлашган Танзания Республикаси
Америка Қўшма Штатлари
Ўзбекистон
Вьетнам
Замбия
Зимбабве

Аъзо давлатлар: 141 та

РСТ иштирокчилари ҳақидаги энг янги маълумотларни олиш учун қуйидаги
адресга мурожаат қилинг: www.wipo.int/pct

Таклифлар учун

Ўқувчилар диққатига!

“Интеллектуал мулк бизнес учун” сериясидаги нашрлар:

- 1. Белгини яратиш: “Кичик ва ўрта корхоналар учун товар белгилари” мавзусига кириш. БИМТнинг 900 –сонли нашри.**
- 2. Мукамалликка интилиш: “Кичик ва ўрта корхоналар учун саноат намуналари” мавзусига кириш. БИМТнинг 498 –сонли нашри.**
- 3. Келажакни ихтиро қилиб: “Кичик ва ўрта корхоналар учун патентлар” мавзусига кириш. БИМТнинг 917 –сонли нашри.**
- 4. Ижодий ифодалаш: “Кичик ва ўрта корхоналар учун муаллифлик ҳуқуқи” мавзусига кириш. БИМТнинг 918 –сонли нашри (тез орада чоп этилади).**

Барча нашрлар БИМТнинг электрон китоб магазини www.wipo.int/ebookshop сайтида мавжуд.

Бошқа Интеллектуал мулк тўғрисидаги нашрлар ва материаллар билан БИМТнинг КЎК (кичик ва ўрта корхоналар) учун www.wipo.int/sme/en/ сайтидан, шунингдек www.wipo.int/sme/en/document/wipo_sme_newsletter.html/ сайтида КЎК бўлимининг ҳар ойда бепул нашр қилинадиган электрон информацион бюллетенидан танишишингиз мумкин.

Кейинги ахборотларни олиш учун Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотига мурожаат қилинг

Манзил:
34, chemin des Colombettes
P.O. Box 18
CH-1211 Geneva 20
Switzerland

БИМТ web-саҳифасига қаранг:
<http://www.wipo.int>
шунингдек, БИМТ электрон магазини:
<http://www.wipo.int/ebookshop>

Телефон:
+41 22 338 91 11
Факс:
+41 22 733 54 28

ёки унинг КЎК бўйича бўлимига:
Манзил:
34, chemin des Colombettes
P.O. Box 18
CH-1211 Geneva 2'
Switzerland

Электрон почта:
wipo.mail@wipo.int

Факс:
+41 22 338 87 60
Электрон почта:
sme@wipo.int
Web-саҳифа:
<http://www.wipo.int/sme>

ёки Нью-Йоркдаги координация
бўйича Бюрога:
Манзил:
2, United Nations Plaza
Suite 2525
New York, N.Y. 10017
United States of America

Телефон:
+1 212 963 6813
Факс:
+1 212 963 4801

Электрон почта:
wipo@un.org

ДПИ нашри №2 (UZ)

Ушбу брошюрага буюртма бериш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзил:
Тошкент ш. Тўйтепа кўчаси 2 а уй.
Телефон:
+998 71 232 00 13
Факс:
+998 71 233 45 56
e-mail: info@patent.uz